



АНДИЖОННИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШИ, ЯНАДА ОБОД БЎЛИШИ УЧУН ҲАМЖИҲАТЛИКДА ИШ ОЛИБ БОРИШИМИЗ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривож, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 15-16 апрель кунлари Андижон вилоятида бўлди.



16 апрель куни Булоқбоши туманида давлатимиз раҳбари раислигида Андижон вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказилди.

Андижонда янги Ўзбекистон шукуҳи ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллага кириб бораётгани қайд этилди. Ўтган йили вилоятда 4 мингдан зиёд янги тадбиркор иш бошлаган, 450 минг аҳоли ишли бўлган.

Вилоятда 1,5 миллион квадрат метр турар жой ва 850 минг квадрат метр нотурар жойлар қад кўтарди. Бунинг ҳисобига ўтган йили савдо ва хизматлар 13 фоизга, саноат 7,5 фоизга ошди.

Лекин ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Андижонда иқтисодий салоҳият, янги лойиҳалар ва ташаббуслар кўп.

Йиғилишда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва экспортни кўпайтириш, қурилиш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Аввало, 2025 йилда Андижон вилоятида камида 6 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаб, ялпи ҳудудий маҳсулотни 105 триллион сўмдан ошириш, 305 минг аҳолини банд қилиб, 150 минг одамни

камбағалликдан чиқариш имконияти кўрсатиб ўтилди.

Масалан, Андижонда дастгоҳсозлик саноати яхши шаклланган. Лекин икки йилда вилоятта четдан 1 миллиард долларлик асбоб-ускуналар импорт қилинган. Агар уларни ўзинида тайёрлаш ўзлаштирилса, иқтисодиётга қўшимча тушум, одамларга иш ўрни бўлади. Бундай ташаббускорларни қўллаб, сертификат ва зарур буюмлар олишига кўмаклашиш керак.

Шунингдек, машинасозлик-конструкторлик ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилади. Саноат тармоқларида талаб юқори бўлган импорт ускуналарнинг техник кўрсаткичлари ўрганилиб, маҳаллий корхоналарга муқобиллари таклиф қилинади. Бундай ускуналарни маҳаллийлаштириш истагидаги тадбиркорларга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит берилади.

Вилоятдаги 13 минг гектар адирга сув чиқариб, бемалол экин экиш мумкин. Лекин у ерларга сув чиқаришда насос ишлатиш учун электр нархи деҳқонларга оғирлик қилади. Шу боис, қуёш панели ўрнатиш учун молиявий инструментлар қўлланади. Қўрғонтепада 300 гектар адирликда саноат усулида интенсив бог ва узумзор

барпо этилиб, тадбиркорларга тайёр ҳолда таклиф қилинади.

Бошқа ҳудудлардаги самарасиз иссиқхоналар Андижонга кўчирилиб, аҳолига лизингга берилади. Маҳаллаларга арзон уруғ ва минерал ўғит етказилади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Балиқчи ва Олтинқўлда 5 гектардан иссиқхона ташкил этиб, 100 та эҳтиёжманд оилани даромадли қилган. Энди бу Улугнор, Пахтабод, Хўжабод, Марҳамат ва Андижон туманларида ҳам йўлга қўйилади. Бундай замонавий иссиқхоналарни намунавий ташкил қилган маҳалла раисларига 100 фоиз устама берилади.

Вилоятдаги сунъий сув ҳавзаларининг аттиги 23 фоизда интенсив усулда балиқ етиштирилипти, холос. Осиё тараққиёт банкидан 15 миллион доллар жалб этиб, 320 гектарда интенсив усулда балиқ етиштириш, 500 та хонадон билан кооперация қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мутасаддиларга бу лойиҳани назоратга олиш, умуман, республикада балиқчиликни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Андижонда туризм салоҳияти ҳам юқори. Хонободдаги Кампировот, Булоқбошидаги Ширмонбулоқ, Хўжабоддаги

Тош ота маҳаллаларида туризм масканлари ташкил қилиб, сайёҳларни кўпайтириш имконияти бор. Бу йил соҳада 125 миллион долларлик 25 та лойиҳани ажунлаш, 3,5 миллион хорижий ва маҳаллий сайёҳ жалб қилиб, туризм экспортини 200 миллион доллардан ошириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда инвестиция ва экспорт масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йил хорижий инвестициялар ҳажми 3,1 миллиард долларга етказилиши, 1 миллиард долларлик 23 та йирик, 321 та кичик ва ўрта лойиҳа ишга туширилиши қайд этилди. Экспортни 1,5 миллиард долларга, маҳаллийлаштириш ҳажмини 10 триллион сўмга олиб чиқиш имконияти бор.

Ҳар йили Андижондан Қирғизистонга 200 миллион долларлик экспорт бўляпти. Чегарадан 5 минг долларликкача бўлган маҳсулотни қўлда олиб ўтишга рухсат берилгани натижасида яна миллионлаб долларлик товар сотиляпти. Ўзаро савдони кенгайтириш учун Қўрғонтепа ва Хўжабодда эркин савдо ва саноат зоналари ташкил қилиш таклифи билдирилди.

Вилоятдаги 360 та бўш ва самарасиз кўчмас мулкни қулай шартларда аукционга чиқариб, тадбиркорлик лойиҳаларига замин яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Сув оқими юқори бўлган ариқ ва каналларда 75 мегаватт қувватга эга кичик ва микро ГЭСлар қуриш имконияти бор. Бунда қатнашадиган тадбиркорларга 3 йил имтиёзли давр билан 7 йилга 12 фоиз ставкада кредит берилади.

Қурилиш ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича ҳам вазифалар кўп. Хусусан, бу йил 9 минг 700 хонадонли 245 та кўп қаватли уй қурилади. Бу соҳада 10 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади. Минг километрдан зиёд йўл ва кўприклар таъмирланади.

Хонобод — Андижон магистрал сув қувурининг қуввати етишмаслиги сабабли 6 та тумандаги 510 минг аҳолига сув етказиб беришда муаммолар бор. Шу боис, Осиё тараққиёт банки иштирокида ушбу қувурнинг 2-тармоғини қуриш зарурлиги таъкидланди.

Қўшни давлатлар билан боғловчи йўлларнинг ўтказувчанлигини ошириш, Андижон шаҳри билан туманлар ўртасида жамоат транспортини ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Ижтимоий йўналишлар аҳоли турмушида бевоқифа акс этади. Андижонда бу йил юқори технологик жарроҳлик амалиёти улуши 40 фоизга етказилади. 15 минг нафар техникум битирувчисининг бандлиги таъминланади. 6 минг талаба дуал таълим билан қамраб олинади. Олий таълимнинг муҳандислик, тиббиёт, иқтисодиёт, аграр йўналишидаги 4 та таълим дастури халқаро аккредитациядан ўтказилади.

Шу мақсадда, жумладан, тиббиёт таълими ва туризмни ривожлантириш, маҳаллаларда туну кун хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт пунктларини кўпайтириш чоралари белгиланди.

Маълумки, салоҳияти ва кўникмасини оширган мактаб директорларини рағбатлантириш йўлга қўйилган. Энди бу тизим техникумларда ҳам жорий қилинади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили Бобур шаҳрида расомлар фестивали ўтказилади. Ғолибларга Президент совғаси сифатида автомобиль берилиши эълон қилинди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Инсон қадри учун ВИЛОЯТНИНГ ҲАР БИР МАҲАЛЛАСИ, ХОНАДОНИДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШУКУҲИ



Андижон вилоятида ўтган йили 4000 дан зиёд янги тадбиркор иш бошлади, 51 та корхона кичикдан ўрта тоифага ўтди, 13 таси йириклашди. Бир йилда 450 минг киши ишли бўлди. Вилоятда 1,5 миллион квадрат метр турар жой ва 850 минг квадрат метр нотурар объектлар қад кўтарди. Бунинг ҳисобига ўтган йили савдо ва хизматлар 13 фоиз, саноат 7,5 фоиз ошди.

Президентимиз Андижон вилоятига ташрифи доирасида Булоқбоши туманида вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича ўтказилган йиғилишда ушбу натижаларни қайд этар экан, бу замида янги Ўзбекистон шукуҳи ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга

кириб улгурганини, бу — ислохотларимизнинг энг катта натижаси эканини эътироф этди.

Ҳа, бугун Андижон санок қонуниятни ёки юртимиз шарқида жойлашгани учунгина эмас, балки саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги каби устувор тармоқларда катта

натижаларга эришаётгани учун ҳам том маънода доим олдинги сафларда.

Буни бир гуруҳ андижонликларнинг давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифига доир фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

Давоми 3-бетда



САМАРҚАНД ИҚЛИМ ФОРУМИ — ДУНЁ ЭКОЛОГИК СИЁСАТИДАГИ ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Жорий йил апрель ойи бошларида мамлакатимиз дунё миқёсидаги қатор муҳим сиёсий тадбирларга мезбонлик қилди. Шулардан бири — Самарқанд иқлим форуми халқаро аҳамияти ва нуфузи билан жаҳон етакчилари, сиёсатчилари, экспертларини бир мақсад атрофида бириштириб, миллионлаб экофаоллар нигоҳини Самарқандга қаратди, сайёраимиз келажагига бўлган умид чирокларини нурлантирди. Мазкур форум бугун она заминимиз, жумладан, Марказий Осиё дуч келаётган долзарб иқлим муаммолари ечимига қаратилган аниқ ташаббуслар билан тарихий аҳамият касб этди.

“Яшил” дунёнинг умид нигоҳи

Ушбу йирик анжуманда аён бўлдики, Ўзбекистон яқка ўзи эмас, балки минтақавий ва халқаро ҳамкорлик орқалигина қутилган натижага эришиш мумкинлигини чуқур англайди. Зеро, ҳеч бир табиий офат чегара билмайди, ҳудуд ва мамлакат танламайди. Сайёраимиз дуч келган экологик муаммолар ечими учун биринчи қадам, ягона нажот бирлашиш ва мақсадлар муштараклигидир. Форум мақсадининг асосий ўзати ҳам бошқа ҳамкорларни шунга даъват этишга қаратилди.

Давоми 2-бетда



2025 йил 17 апрель, 78-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz

ЖАМИЯТ

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

АНДИЖОННИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШИ, ЯНАДА ОБОД БЎЛИШИ УЧУН ҲАМЖИХАТЛИКДА ИШ ОЛИБ БОРИШИМИЗ КЕРАК

Бошланиши 1-бетда

— Бутун Андижон ривожини янги босқичга кўтариш бўйича энг муҳим вазифаларни белгилаб олдик, барча масалаларга тўхталиб, виллоят учун зарур маблағларни ҳам ҳал этдик, — деди Шавкат Мирзиёев. — Агар барчамиз бир бўлиб, ҳамжиҳат бўлиб иш олиб борсак, ютуқларимиз янада кўпаяди, биз забот этолмайдиган марранинг ўзи бўлмайди, Андижон янада обод бўлади.

Ингилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва бошқа мутасаддилар ўз йўналишлари бўйича ахборот бери. Виллоят ҳокими, 16 та шаҳар ва туман ҳокими аҳоли ва тадбиркорларни ҳар кун икки марта, ҳозирги суратни сақлаб қолиши, дунёдаги иқтисодий тебранишлар шартинда фавақулдод масъулият олиши лозимлиги таъкидланди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Булоқбоши туманидаги “Файз-М” қорхонаси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда ҳомашёни қайта ишлаб, қўшилган қиймат яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мазкур қорхона ҳам мато тўқиш, бўяш ва тайёр трикотаж ишлаб чиқариш йўналишидаги ийрик лойиҳалардан бири.

Бу ерда йилга 4 миллион 200 дона, 50 турдаги маҳсулотлар тайёрланади. Мингта яқин фуқаро иш билан таъминланган. Ходимлар маалаксани ошириш ҳам эътиборда. Бунинг учун дизайнерлик маркази ташкил этилган.

Туркия, Германия ва Хитойдан келтирилган илгор ускуналар иш унумдорлиги ва маҳсулотлар сифатини таъминламоқда. Тайёр кийим-кечакларнинг катта қисми экспортга

йўналтирилади. Йиллик экспорт салоҳияти 6 миллион долларга етган.

Президентимиз ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди. Сифат кўрсаткичлари устиди ишлаб, қўшилган қийматни ошириш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича тавсиялар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳридаги “Имкониятлар олами” ҳудудий ижтимоий хизматлар марказида яратилган шартонлар билан танишди.

Мамлакатимиз Конституцияси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси асосида инсонни қдрллаш кўлами кенгайди, бу соҳадаги хизматлар эҳтиёжмандларга яқинлаштирилмоқда. Айни йўналишдаги ишларнинг давомий сифатида шу йил 3 февралда “Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Унинг ижроси доирасида илк бор Андижонда “Имкониятлар олами” ҳудудий ижтимоий хизматлар маркази ишга тушди.

Қарийб 5 гектар майдонга эга муассасада маъмурият, фаоллар зали, инклюзив таълим ва касбга ўргатиш бинолари, болалар майдончаси, спорт мажмуаси ва сузми ҳавзаси мавжуд.

Бу ерда ногиронлиги бор болалар, ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга қатнов асосида ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Жумладан, ижтимоий ва тиббий реабилитация хизмати, касбга йўналтириш, хорижий тилларни ўқитиш хизматлари ҳамда камбағал оилалар болалари учун қўшимча таълим хизматлари йўлга қўйилган.

Марказда 60 нафардан зиёд ходим фаолият юритади. Ижтимоий ҳимояга муҳтожларни аниқлаш ҳамда бу ерга йўналтириш “Инсон” марказлари томонидан амалга оширилади.

Президент юртимизда илк бор ташкил этилган эрта аралашув хизмати билан танишди. Бу бўлим чақалоқликдан уч ёшгача бўлган болаларнинг парваришашга ихтисослашган. Шу вақтгача бундай ёшдаги болалар фақатгина ота-онаси қарамоғида бўлган. Махсус боғчаларга эса фақатгина 3 ёшдан кейин қабул қилинган. Эндиликда ҳомладорлик вақтида ногиронлик ҳавфи аниқланса, оналарга шу бинода хизмат кўрсатилади. Бу уларнинг фарзандларига бўлган эътиборини мустаҳкамлашда кўмаклашади. Шунингдек, улар учун психологик маслаҳатлар берилади.

Президентимиз марказдаги қўшимча таълим хизматида мўлжалланган бинодаги шартонлар билан танишди. У ерда ногиронлиги бор болаларнинг мактабдан ташқари дарс қилишлари, илм олишлари, интернетдан фойдаланишлари учун имкониятлар яратилган. Бундан ташқари, камбағаллик реестридаги оилалар фарзандлари ҳам келиб, инглиз, рус, корейс ва бошқа тилларни ўрганиши мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, йилнинг ўтган даврида Андижон виллоятида 10 мингта яқин камбағал оилаларнинг фарзанди боғчаларга жойлаштирилди, қарийб 29 минг нафарига тиббий кўмак кўрсатилди, 20 минг нафари ижтимоий хизматлар билан қамраб олинди. Бу эса уларнинг “оёққа туриб”, иш билан банд бўлишига ёрдам беради.

Марказда кундузги парвариш хизмати ҳам йўлга қўйилган. Бу ерда ногиронлиги бўлган

инсонлар жисмоний ва ақлий машгулотлар билан шуғуллантирилади. Уларга ижтимоий ҳодимлар қараб туриши натижасида оиласидагиларнинг “қўли бўшаб”, ишлаши мумкин бўлади.

Мазкур бўлимда парваришланётган фуқаролар бундай ғамхўрлик туфайли ҳаётга қайтганини айтиб, давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

— Бу эътибор замирида сизнинг соғлигингиз, яқинларингизнинг дарду ташвишлари бор. Кўнглингиз очилиб, ҳаётга умид уйғонганини кўриб, хурсанд бўлдим. Бундай ғамхўрликни янада кенгайтириб борамиз. Сизлардан фақат сабр-тоқат, ишонч ва ҳаракат зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ижтимоий хизматлар марказида спорт мажмуаси ҳам бор. Унда ногиронлиги бор болалар учун мўлжалланган бадантарбия хонаси, сув ҳавзаси ташкил этилган. Эътиборли жиҳати, машгулот қўрилмалари АҚШ ва бошқа хорижий давлатлардан келтирилган бўлиб, адаптив спортга мўлжалланган. Сув ҳавзаси ҳам болаларнинг ёшига монанд алоҳида қўлайликларга эга.

Давлатимиз раҳбари имконияти чекланган болаларни соғломлаштириш, катта ёшдаги инсонларни ўзига мос ҳунар ва машгулотларга жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

Президентимиз Андижон виллоятидаги ижтимоий хизматлар марказига ташрифи чоғида спорт соҳаси ва олимпия ҳаракати оид тақдимот билан ҳам танишди.

Бугунги кунда юртимизда 10 миллиондан зиёд аҳоли оммавий спорт билан шуғулланмоқда. Туманларда, таълим ва меҳнат жамоаларида турли мусобақалар ўтказилмоқда.

Энди бу кўрсаткични 15 миллионга етказиш мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун “Маҳалла лигаси”, “Мактаб лигаси”, “Талабалар лигаси”, “Вазир кубоги” ва “Касаба уюшмалари кубоги” каби мусобақалар ташкил этилади.

Шу йил 13 февраль кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида спортчи ёшларни саралаш ва маҳоратини ошириш бўйича топшириқлар берилган эди. Шунга мувофиқ, селекция, спорт таълими ва олимпия тизимини янги босқичга олиб чиқиш ишлари бошланган.

Бунда ҳудудлардаги 254 та спорт мактаби, олимпия йўналишларига ихтисослашган 56 та спорт мактаби миллий терма жамоаларга асосий захира бўлади. Жойлардан сараланган ёшлар таъна антропометрияси ва қобилиятидан келиб чиқиб, мақсадли тайёрланади.

Уларни пиштириб бориш учун йилга икки марта “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақалар тизими йўлга қўйилди. Виллоят босқичи голиблари ҳар йили декабрда Олимпия шаҳарчасида ўтказиладиган “Президент Олимпиадаси”да иштирок этади. Мусобақа голиблари уй, автомобиль каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Биринчи ва иккинчи ўринни олган спортчилар Республика олимпия ва паралимпия марказига қабул қилинади.

Президентимиз спорт таълимида вертикал тизимни такомиллаштириб, илгор услуб ва ёндашувларни татбиқ қилиш зарурлигини таъкидлади. Спорт мактабларининг натижадорлигини ошириш, қобилиятли ёшларни етук спортчилар этиб тарбиялаш бўйича кўрсатмалар берилади.

Давлатимиз раҳбари Андижон виллоятига ташрифи давомида ҳудудда инвестиция

лоийҳаларини амалга оширишни режалаштираётган хорижий компаниялар вакиллари билан учрашди.

Ингилишда қайд этилганидек, бу йил Андижонда қуввати 24 мегаватт, кейинги йил яна 20 мегаватт бўлган жами 763 та кичик ва микро ГЭСларни ишга тушириш режалаштирилган.

Хитой компанияларидан бири виллоятда микро ГЭСлар учун керакли ускуналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Қайд этилганидек, қурилган ГЭСларга 1 йил давомида бепул сервис хизмати кўрсатилади.

Кунини кеча Бобур шаҳрида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши эълон қилинган эди. Қўллаб қармоқдорлар шаҳар қурилишида иштирок этишга қизиқиш билдирмоқда.

Жумладан, хитойлик инвестор 250 миллион доллар инвестиция ҳисобига замонавий мажмуа қурмоқчи. Лойиҳага мувофиқ, 55 гектар ҳудудда бизнес маркази, меҳмонхона, савдо марказлари ва 3 минг хонадонга мўлжалланган уй-жой қурилади.

Учрашувда шу ва бошқа лойиҳалар тўғрисида батафсил маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга инвестицияларни кўпайтириш, инвесторлар билан яқиндан ишлаб, зарур шартонларни яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Андижон виллоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари



Муносабат

“ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” — БАРҚАРОР КЕЛАЖАК

Самарқанд иқлим форуми аҳамияти ҳақида сўз юритишдан аввал мазкур форум гоёси ва унинг ташаббускори, унинг илк бор катта сиёсий минбарга олиб чиқилишига тўхталиш зарур.

Ўзбекистон Президенти 2023 йил 18 октябрь кунини Пекин шаҳрида бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” халқаро форумида Марказий Осиёда “яшил” тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш йўлида фикр алмашиш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун Самарқандда халқаро иқлим форумини ўтказиш ташаббусини илгари сурган эди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги аномал об-ҳаво шартонлари, тез-тез юз бераётган курғоқчилик ва чанг бўронлари, ернинг шиддат билан деградацияга учраши ва чўлланиши, биохилма-

ни қўллаб-қувватлаш ва глобал соф “ноль чиқинди”-га эришиш учун иқлим бўйича ҳаракатларни тезлаштиришдан иборат.

Германия халқаро ҳамкорлик жамияти билан Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлимга қарши кураш ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми имзоланди. Мазкур меморандум Ўзбекистон ва Марказий Осиёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш ва уларни бошқариш соҳасида аниқ ҳаракатлар ва тадбирларни амалга оширишда ҳамкорликни давом эттиришга хизмат қилади. Мақсад Ўзбекистоннинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан барқарор, иқлим шартонига чидамли ва эмиссияси кам бўлган ривожланишига ҳисса қўиши ҳамда турли



SAMARQAND
IQLIM FORUMI
4-5 APREL 2025



Абдушукур ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси фракция раҳбари

САМАРҚАНД ИҚЛИМ ФОРУМИ — ДУНЁ ЭКОЛОГИК СИЁСАТИДАГИ ТАРИХИЙ ҚАДАМ

хилликнинг йўқолиши кўринишида намоён бўлаётган мураккаб экологик вазиятга тўхталиб, Марказий Осиё ҳаёнддаги иқлим ўзгариши оқибатларидан энг кўп зарар кўраётган минтақалардан бири эканини қайд этганди.

Эзгу ва хайрли ташаббус БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, давлат ва ҳукуматлар етакчилари, халқаро таъкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди ва барчамиз гувоҳ бўлган маъна шундай катта бир воқеа сифатида янги Ўзбекистон тарихига муҳрланди.


Самарқандда илк бор халқаро иқлим форуми ўтказилиши Ўзбекистоннинг экологик муаммоларини ҳал қилиш борасидаги позицияси қатъий эканини кўрсатиб берди. Анжуманда Марказий Осиё олдига турган долзарб табиий офатлар муаммоларини муҳофаза қилишда ва экологик барқарорлик, “яшил” иқтисодий тараққиётга эришиш ҳамда иқлим ўзгаришига қарши курашишда минтақавий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Минтақа мамлакатлари томонидан Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига мослашиш стратегияси бир овоздан маъқулланди.

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР АҲАМИЯТИ

Форумда Яшил ривожланиш концепцияси тақдими ўтказилди. Ушбу концепцияни Бразилияда бўлиб ўтадиган COP30 доирасида тасдиқлаш учун тегишли чоралар кўришга келишилди.

Ўзбекистон 2023 йилда COP28 да расман ишга туширилган саноат декарбонизацияси ва глобал даражада жамоавий ҳаракатни кучайтириш бўйича тажриба алмашиш учун платформа бўлиб хизмат қилувчи, юқори иқлим амбицияларига эга 43 мамлакатнинг ихтиёрий коалицияси ҳисобланган “Climate club”га аъзо бўлди.

“Climate club” фаолияти учта асосий йўналиш — ташламлилик камайтириш бўйича шафдоф сиёсат юритиш, саноатни ўзгартириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни қамраб олади. Ташкилотнинг асосий мақсади Париж келишувини амалга ошириш



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ
СКАНЕР ҚИЛИНГ!

гини сайёрамизнинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда кузатилаётган экологик фожиалар ҳам тасдиқлаб турибди. Шу боис, 2024 йилда Ўзбекистон Президентини ҳузурда Иқлим кенгаши ташкил этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тузилмасида илк бор иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтишни жадаллаштириш масалалари бўйича комиссия тузилди. Бу эса иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга парламент даражасида ечим топишда муҳим роль ўйнайди.

Комиссиянинг мақсади иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш, аҳолининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш борасидаги ислохотларни амалга оширишга кўмаклашишдан иборат. Бугунги кунда

оммасини биргаликда ишлашга ундамоқда. Биз бу сиёсатни анчадан бери кенг тарғиб қилиб келяпмиз.

Ўзбекистон бу борадаги энг йирик халқаро битимларга қўшилди. Мамлакатимиз ва минтақада юз бераётган экологик жараёнларга мослашиш, иқлим ўзгаришлари талафотини имкон қадар камайтиришда бундай ёндашув жуда-жуда зарур. Оролбўйи ҳамда Самарқандда бўлиб ўтган халқаро тадбирларда ҳам аини шу каби масалалар халқаро доирада муҳофаза қилинди.

Бу борада Ўзбекистоннинг ўзига хос мустақкам позицияси мавжуд. Уни минтақадаги қўшни давлатлар ҳамда халқаро ҳамжамят билан биргаликда амалга ошириш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади, албатта. Табиат олдидаги бурчдорлик, эртанги кун учун қайғуриш, келажак авлодлар муносиб ҳаёт тарзига масъулият биздан ҳар қачонгидан ҳам ҳушёрроқ, огоҳ ва ҳамжиҳат бўлишни талаб этмоқда. Зеро, барқарор тараққиётга эришиш учун барча соҳаларда мустақкам ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйиш жуда муҳим.

ЁРҚИН УМИД МАШҒАЛАСИ

Охирги йилларда Орол денгизининг суви қуриган тубида глобал экологик муаммонинг олдини олиш ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий яшаш тарзини яхшилашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Ўзбекистон 2023 йилда COP28 да расман ишга туширилган саноат декарбонизацияси ва глобал даражада жамоавий ҳаракатни кучайтириш бўйича тажриба алмашиш учун платформа бўлиб хизмат қилувчи, юқори иқлим амбицияларига эга 43 мамлакатнинг ихтиёрий коалицияси ҳисобланган “Climate club”га аъзо бўлди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2 йиллик саксавул кўм кўчишини 20 фоиз, 5 йиллиги 80 фоиз, 7 йиллиги эса тўлиқ тўхтатилади. 10 йиллик 1 туп саксавулнинг ўзи 100 тоннагача кўм кўчишининг олдини олади. Яхши ривожланган 1 туп саксавул ўз илдижи атрофида 10 тоннагача кўм ва тузни тугиб туради. Саксавуллар тупроқдаги чанг ва тузларни шомол учуришига барҳам беради.

Шуларни инобатга олган ҳолда, 4-6 апрель кунлари Самарқанд ва Нукус шаҳарларида бўлиб ўтган Иқлим форуми ва Орол маҳаллати саммити минтақада яшашдан юз минглаб инсонлар учун ёрқин умид машғаласи бўлди дейиш мумкин.

Умуман олганда, Самарқанд иқлим форуми Ўзбекистоннинг фаол иқлим сиёсати ва унинг халқаро майдондаги ташаббуслари мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш ва экологик ҳавфсизлик масаласига нафақат миллий ёки минтақавий, балки дунёвий даражада содиқлигини кўрсатади.



ВИЛОЯТНИНГ ҲАР БИР МАҲАЛЛАСИ, ХОНАДОНИДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШУКУҒИ



Бошланиши 1-бетда

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, катта-катта ўзгаришларга гувоҳ бўласиз ва албатта, бу янгиланишлардан, аҳоли кайфиятидан чексиз қувонасиз. Бунинг амалий ифодасини гўзал ва бетакрор Андижон заминиди ҳам яққол кўриш мумкин. Сабаби сўнгги йилларда вилоятда аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, иқтисодийни ривожлантириш, одамларга яхши ҳаёт, қулай шароит яратиш бўйича улкан ишлар қилинди. Кўплаб янги турар жойлар, ижтимоий соҳа объектилари барпо этилди.

ЎЗГАРИШЛАР АҲОЛИ ТУРМУШИДА АКС ЭТМОҚДА



Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Ўтган қисқа муддатда бир неча йил давомида халқимизни ўйлантриб келаятган кўплаб масалалар ижобий ҳал этилди. Нафақат вилоят маркази, балки энг олис қишлоқлар ҳам мутлақо замонавий қиёфа касб этди. Йўл, ичимлик сув, электр энергияси билан боғлиқ масалалар ечилгани, янги таълим ва тиббиёт муассасалари қурилгани шундан дарак беради.

Илгари вилоятимизда бундай шароит бўлмаган, аҳоли учун қулайликлар яратишга етарлича эътибор қаратилмаган. Ҳозир бу ерда янги Ўзбекистон нафаси ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга кириб борапти. Янгиланишларни кўриб, мана, кўп йиллар давомида қилинмаган ишларни қисқа муддатда қилса бўларкан-ку, дейсиз беихтиёр.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили февралда вилоятга ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, вилоятдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш бўйича масъуллар олдиға аниқ вазифалар кўйганди.

Бу ташриф ҳақиқатан халқнинг узоқ кутилган орзу-умидларини рўёбга чиқаришга замин яратди. Ҳозир вилоятдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларини кўриб кўзингиз қуванайди. Муҳими, аҳолининг турмуши яхшиланмоқда, одамлар ҳар бир кунидан, ислохотлардан рози.

Узоққа бормайлик, бундан етти йил аввал вилоятда санаят, ишлаб чиқариш корхоналарини бармоқ билан санаш мумкин эди. Бугун вилоятда 11 мингдан зиёд санаят корхонаси бор. Уларнинг мамлакат саноатидиға улуши 10 фоиздан юқори. Хусусан, ҳудудда 47 та санаят

зонаси ташкил этилган. Уларда 2,3 триллион сўмлик мингта лойиҳа амалға оширилган, 18 минг киши иш билан таъминланган.

Ҳозир қиймати 1 миллиард долларлик 288 та инвестиция лойиҳаси амалға оширилиш жараёнида. Жумладан, бу йил 119 та лойиҳа ишға туширилиб, 4000 дан ортиқ иш ўрни очилди. Санаят маҳсулотлари экспорти 47 миллион долларға етказилди.

Бу ютуқлар тасодиф эмас. Бу негизда чуқур ўйланган сиёсат, халқимизнинг фидокорона меҳнати турибди. Илчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар натижа-сида тadbirkorлик ривожланди, янги корхоналар қад ростлади. Маҳалла гузари, дўкон, кутубхона, болалар майдончалари барпо этилди. Одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун барча шароит муҳайё қилинди.

Вилоятда тўқимачилик санаяти жадал ривожланиб бориши натижасида ҳудудда етиштирилган пахтаи замонавий кластер тизимида чуқур қайта ишлаш кенгайиб бормоқда. Фикримизни вилоятнинг мамлакат тўқимачилик саноатидиға улуши 16,5 фоизни ташкил этаётгани ҳам тасдиқлайди.

Масалан, 2024 йилда Андижонда 20 триллион сўмлик тўқимачилик маҳсулотни ишлаб чиқарилиб, 488 миллион долларлик экспорт қилинган ҳам мазкур соҳадаги сай-ҳаракатларнинг амалий натижаси, десак янглишмаймиз. Бу вилоят умумий экспортнинг 42 фоизини ташкил этади.

Ташриф давомида вилоятни комплекс ривожлантириш бўйича устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказилди. Кўпчилик орасида ўтириб, учрашувда бевосита иштирок этар эканман, одамлар юз-кўзида қувонч, эртанги кунға ишонч, яратилган шароитлар учун миннатдорлик ифодасини кўрдим. Сабаби давлатимиз раҳбарининг ҳар бир гапи аҳоли фаровонлиги, халқ манфаатини таъминлашға қаратилган.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, тadbirkorликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича белгилаб берилган вазифалар инсонларни рози қилиш, уларнинг бахтли яшаш, мурод-мақсадига етишишға хизмат қилади.

Айниқса, ёшларни тadbirkorлик, ердан самарали фойдаланишға ўргатиш учун, аввало, касбий кўникмани ривожлантиришға алоҳида урғу берилгани, ҳудуд ихтисослашув асосида мактабларда меҳнат дарслари ва касбий тўғарақлар ташкил этилиши, ушбу тўғарақларға санаят, савдо ва сервис корхоналари, кластерлар мутахассислари келиб дарс ўтиши том маънода бизнес бошлаш истағидиға кўплаб ёшларни фаолликка қоралаб, ҳаракатга келтирди. Зеро, аҳолида тadbirkorлик руҳини уйғотиш, янги иш ўринлари очиш орқали ишсизлар бандлигини

таъминлаш камбағалликка барҳам беришнинг энг тўғри ва оқилона йўлидир. Янги иш ўринлари яратилса, минглаб оилға даромад, барака қиради.

Инсон қадр топса, унда яратувчанлик, изланиш, ўз устида ишлаш ва ҳаётдан розилик кайфияти баланд бўлади. Одам қачон ўз уйи, тайинли иши ва доимий даромад манбаиға эга бўлса, оиласи билан тинч-хотиржам яшаса, фарзандлари замонавий мактабларда таълим олса, сифатли тиббий хизматдан фойдаланса, бахтли яшайди, ҳаётдан рози бўлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2021 йилда янги шаҳар қурилиши бошланган эди. Бу галги ташрифта Президентимиз лойиҳанинг илк натижаларини кўрди. Ушбу шаҳар Андижон туманидаги адирликда — қишлоқ хўжалиғида фойдаланилмайдиған 4000 гектар майдонда барпо этилмоқда.

Кўчат экиб бог яратиш, атроф-муҳитни тоза-озода сақлаш халқимизға хос фазилат. Шу маънода, 19 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилиб, 10 минг тупдан ортиқ манзарали дархат кўчати, бутта ва гуллар экилгани янги шаҳар кўрғиға кўрк қўшади.

Ҳар ойнинг охириға ҳафта-сиза халқ билан мулоқот қилиш, одамларни ўйлантриётган масалаларға ечим топиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан мулоқот ўтказамиз. Очиги, ҳар гал бoрганмизда бирор ўзгариш ёки янгиланишнинг гувоҳи бўламиз. Энг муҳими, одамларнинг кайфияти юқори, мамлакатимиздаги ислохотлардан мамнун.

Умуман олганда, бугун вилоятда ўзгаришлар, янгиланишлар жуда катта. Ислохотларни одамлар ўз кундалик ҳаётида сезмоқда, ҳис этмоқда. Ушбу ташрифта белгилаб берилган салмоқли вазифалар ҳудуднинг қиёфасини тубдан ўзгартириш ва одамлар турмушини янада яхшилашға хизмат қилади.

БОБУР НОМИДАГИ ШАҲАР МИЛЛИОНЛАБ ИНСОНЛАРНИНГ ДИЛИДАГИ АРМОНЛАРДИР

Панжоб университети қошидаги Бобур мероси маркази директори Рухсана Ифтихор (Покистон) “Дунё” АА учун интервьусида Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Янги Андижон шаҳарчасида Бобур шаҳри деб ном бериш ташаббуси ҳақида фикрларини баён қилиб:

— Ўзбекистон Президентининг Андижондаги нутқи ва Бобур номидаги янги шаҳар барпо этиш тўғрисидаги таклифи Покистонда катта акс садо берди. Бу шунчаки шаҳарсозлик ташаббуси эмас, балки Бобурнинг буюк шахси билан тарихий ва маданий алоқадорлиқни ҳис қилаётган миллионлаб инсонлар дилидаги армонлардир.

Мен тарихчи сифатида бу воқеадан жуда ҳаяжонландим. Покистон учун Бобур нафақат буюк сулола асосчиси, балки маданий титмосол, қаламқаш ва фалсафий фикр эгасидир. Унинг номи адабиётга бўлган нозик дид, табиатға муҳаббат, шериёт ва



мезморчилик билан боғлиқ. Бинобарин, Бобур номи билан аталган шаҳарнинг барпо этилиши шунчаки хотира тadbiri эмас, балки Ўзбекистон ва Жанубий Осиё ўртасидаги умумий меросға ҳурмат асосидаги жонли мулоқот ифодасидир.

Ўзбекистон Президентининг Андижон шаҳридаги амфитеатрни халқ амалий санъати марказиға айлантириш ҳақидаги таклифи ҳам алоҳида эътиборға лойиқ. Бу халқларимиз ўртасидаги маданий ақинлашувнинг муҳим платформасиға айланиши мумкинлиғиға ишонман. Покистонлик рассомлар ушбу майдонда ўтказиладиған фестиваллар ва ижодий лойиҳаларда иштирок этишдан мамнун бўлади деб ўйлайман.

Ўзбекистон ўз нигоҳи фақат ўтмишға эмас, балки келажакка ҳам йўналтирилганини яна бир бор исботлади. Бобур хотирасининг тугилиб ўсган Андижонда қайта тикланганини тарихий адолат, шу билан бирга, мулоқотда давлат сифатида баҳолаш мумкин. Биз Покистонда ушбу ташаббусни чин дилдан юксак баҳолаймиз ҳамда у мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ва илмий аламинувларни кенгайтиришға туртки бўлишиға умид қиламиз.

“Дунё” АА

Лаҳор шаҳри

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ВАТАНИГА РУҲАН ВА МАЪНАН ҚАЙТДИ

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи нафақат вилоят ёки водий аҳли, балки барча юртдошларимиз, хусусан, зиёлилар учун унутилмас воқеаларға бой бўлди. Шу боис, ташриф тафсилотларини, унда илгари сурилган янги ғоя ва ташаббусларни юртдошларимиз қувонч, эртанги кунға ишонч ила қузатиб борди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда дунё тамаддуниға беқиёс хизматлари билан улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз номини абадийлаштириш, уларға муносиб авлодни тарбиялаш борасида тизимли амалий ишлар бажарилмоқда. Натижада кўплаб улуг сиймоларнинг маънавий меросидан баҳраманд бўлиш имконияти яратилди. Буюк аждодларимиз хотирасиға кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор туфайли янги барпо этилган масканлар улар номи билан аталмоқда.




ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИ ЭКАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Андижон — ўзбек адабиётининг таниқли вакиллари, олиму мутафаккирлар, санъаткорлар юрти. Улуг шoir ва ҳукмдор Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг захид қони тўқилган диёр.

Бугунги Андижон кундан кунға чирой очиб, ривожланиб бормоқда. Президентимиз ҳар сафар Андижонға ташрифи давомида вилоятимизға катта-катта янгиланишлар ва кутилмаган совғалар олиб келади. Бу галги ташрифт баҳор фаслиға тўғри келди. Бу андижонликлар қалбида шундай бир уйғунлик пайдо қилдики, ифодалаш учун кишида мукаммал ижод қалами бўлиши керак, назаримда.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан икки йил аввал Янги Андижон шаҳри қурилиши бошланган эди. Мазкур кент Андижон туманидаги адирликда барпо этилмоқда. Ҳозир бу ерда бунёдкорлик ишлари жадал суръатда давом этиб, кўп қаватли уйлар, богчалар, мактаблар ҳамда поликлиника қурилди. “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилиб, манзарали дархатлар, гуллар экилди. Амфитеатр, дам олиш жойлари, декоратив йўлаклар, кафе ва болалар ўйингоҳлари янги шаҳарни таниб бўлмас даражада ўзгартирди.

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” боғидаги амфитеатрда сўзлаган нутқини катта ҳаяжон билан тингладим. Айниқса,



Зокиржон МАШРАБОВ, Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

қолдирган илмий-маънавий меросни излаш билан аналмоқда. Натижада

реал даромадини ошириш, янги иш ўринлари очиш, тadbirkorлик ва кичик бизнес субъектларини ривожлантиришға қаратилган ислохотлар кун сайин янги босқичға кўтарилимоқда. Жумладан, кўҳна ва ҳамиша навқирон Андижон шаҳридаги бунёдкорлик ва бошқа жабҳалардаги ўзгаришлар қаторида Янги Андижон шаҳарчаси барпо этилгани фикримиз исботидир.

Давлатимиз раҳбарининг Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш мақсадида Янги Андижон шаҳарчасиға Бобур шаҳри деб ном бериш ҳақидаги таклифи шoir ихлосманди ва бобурсевар инсон сифатида мени беҳад қувонтирди. Вилоятимизнинг мен каби нурунийлари ҳамиша Андижондаги бирор ҳудуднинг Бобур подшоҳ номи билан аталгани тарафдори бўлганимиз. Азалий орзумиз рўёб бўлган ушбу тарихий воқеа ўзини Бобур авлодидан деб фахрланиб юрадиган ҳар бир андижонлиқни янгидан янги марраларни қад қилишға илҳомлантиради.

Замонавий архитектура, кўп қаватли маҳаббатли бинолар, Бобур подшоҳ муқташам ҳайкаллари ўзида муҷассам қилдиған шаҳар ҳақидаги режаларни эшитиб янада руҳланди. Бобур шаҳри Президентимиз таъкидлаганидек, “миллий маданият ва санъатнинг, ўзбекона меҳмондўстлик, бағрикенглик ва ҳамкорликни акс эттирадиған”, халқимизнинг сеvimли гўшаларидан бириға айланишиға ишонман. Чунки давлатимиз раҳбари мутасаддиларға шаҳарни маърифат ва маданият марказиға айлантириш бўйича чора-тadbirlарни ўз ичига олган қарор лойиҳасини ишлаб чиқишни топширди.

Келгусида Бобур бобомиз сиймосини абадийлаштириш мақсадида улуг аждодимиз ва авлодлари бунёд қилган тарихий обидаларнинг кичиклаштирилган нусхаларидан иборат тематик парк барпо этилдиған бўлди. Ҳар йили Бобур шаҳрида рассомлар фестивалини ўтказиш таклифи этилди. Шу каби жуда кўплаб эзгу ташаббуслар сабаб Президентимизнинг Андижонға навобатдаги ташрифи юртимизнинг барча зиёлиларини қувонтирди.

Бунинг учун андижонликлар ва бобурсунос олимлар, барча зиёлилар номидан чуқур миннатдорлигини изҳор этаман.

Сабаби Бобур бобомиз нафақат улуг аллома, балки фарҳ-иғфтор раvми ҳамдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби аждодларим борлиғидан доим фахрланиб келганман, муносиб авлод бўлишға интиланман. Шу ўринда Президентимизнинг “Шояли тарихимизни ёш авлодимизни, болаларимизға тўшунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, улуг боболаримизға муносиб бўлиб яшасак, Янги Ўзбекистонни ҳам, Уччинчи Ренессансни ҳам албатта қураимиз”, деган сўзлари айнаи шу мақсадларимнинг ифодаси бўлди.

Президентимиз Бобур шаҳрида ҳақиқий бобурийлар етишиб чиқиш учун бобомиз номи билан аталдиған ихтисослаштирилган богча ва мактаб, университет, музей, кутубхона ва IT паркидан иборат ийрик таълим кластери барпо этилишини ва ушбу шаҳар илм-фан шаҳриға, туризм ва маданият марказиға, замонавий “Smart city”, яъни “ақли” шаҳарға айлантирилишини таъкидлади. Энг қувонарлиси, богнинг баланд нуктасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомизнинг янги ва муқташам ҳайкали ўрнатилишини айтиди. Бу ўзгаришлар, шубҳасиз, биз — ёшлар учун улкан имконият.

Ҳозиргидек ёлдам, 2024 йили Марҳамат туманида давлатимиз раҳбари билан суҳбатлашиб, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациясини муаvаффақиятли ёқлашға ва илм-фан ривожига ўз ҳиссамини қўшишға ваъда берган эдим. Бугун шу ваъданинг устидан чиқдим. Фурсатдан фойдаланиб, Президентимизға билдирган ишончи, ёшларнинг илм йўлидаги сай-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётгани ва илм-фанға эътибори учун барча ўзбек ёшлари номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

БЕКОРЧИСИ ЙЎҚ МАҲАЛЛА

Кўпинча эшитганларимизга ишониб кетавермаймиз. Кимдир ундай қилибди, кимдир бундай қилибди, дейилса, “Гап-да, лоф ҳам эви билан”, деб қўямиз. Аслида, кейинги йилларда юртимиздаги ўзгаришлар деярли ҳар куни рўй бераётгани шунчаки гап бўлмай қолди. Балки саъй-ҳаракатлар самара бериб, одамларнинг ишаш тарзи, ҳудудлар ободлигига таъсирини кўрсатмоқда.

Биз сўз юритмоқчи бўлган биргина Косон туманининг чекка Эсабой маҳалласи одамлари пешона тери эвазига йилгига ўртача бир миллиард сўмдан ортиқ даромад топаётганида ҳам ҳеч бир муболағга йўқ. Ёки 3700 дан ортиқ одам яшаётган маҳаллада бирор киши ишсизлар рўйхатида турмаслиги ҳам бор гап. Кейинги пайтда қосонликлар ҳавас билан “Туманимизда бир ойда 10 та янги енгил машина харид қилинадиган бўлса, шунинг 8 таси Эсабойга кириб келмоқда”, дейдиган бўлди.

Албатта, меҳнат қилган роҳатини кўради деган гап бежиз айтилмаган. Эсабойликлар учун бекорчилик умуман бегона одат. Шунга яраша натижа ҳам бўлмоқда. Аслида, ҳалол меҳнатнинг нони ширин эканини эсабойликлар анча илгари англаб олган бўлса, ажабмас. Ростки, биз ҳам маҳалла ҳудудига кириб борар эканмиз, ҳайратланмай иложимиз қолмади. Нега деганда, катта-катта юк машиналари, улар тилида айтганда, “цехлар” олдида навбат кутиб турарди. Цех деганимиз ҳам айнан шу ҳудудга мос. Яъни деҳқонларнинг ўзи ихтиро қилган, даладан қовлаб олинган сабини ювиш учун махсус ясалган техника. Бир вақтнинг ўзида бир тоннагача саби шу техника ёрдамида сув билан ювилиб, қопларга жойланади. Шу ернинг ўзида бозорбоп қилиб, улгуржи харидорларга берилади. Тўрт-беш цехнинг ўзида камида юздан зиёд кишининг бандлиги таъминланган.

Маҳаллада бекор юргани қўрмайсиз. Ҳар ким ўз иши билан банд. Бирорта хонадонда бўш ётган томоркани топиш мушкул. Кексаларнинг фикрича, кишлоқда томорқадан фойдаланмаслик, энг аввало, бу ерда яшовчилар учун ор-номус масаласи. Бундан ташқари, бир оз қолмади одам даромад топишда ҳам, турмуш тарзини яхшилашда ҳам элдан ортда қолиб қетаркан. Бу эса оилавий аҳолини оғирлаштириб, камбағаллик сари етаклаши

аниқ. Маҳаллада камбағаллик деган сўзнинг ўзи бегона.

Мисол учун, маҳалладаги Эркин Тоғаев қафтдек томорқасидан мўмай даромад олмақда. Одатига кўра, январдан ҳовлисига ноодатий усулда — плёнка остига саби ва шолғом экади. Қишда экилган сабзавот апрелнинг охириларига келиб боғлам-боғлам қилиб бозорга чиқарилади. Бундан ташқари, қўшимча тўрт сотих ерда иссиқхона қурилиб, бодринг етиштириш ҳам йўлга қўйилган.

— Биз асосан сабзавот етиштирамиз. Томорқамиздан узлуксиз фойдаланамиз. Январда экилган ҳосил апрелдан бошлаб майнинг охиригача сотилади. Шундан сўнг яна саби ва шолғом экамиз. Июнда сепилган уруғ октябрга бориб тайёр бўлади. Узлуксиз бозорга сабзавот чиқариб турамыз. Томорқадан олаётган фойдамыз ёмон эмас. Бир йилда ўртача икки юз миллион сўмга яқин даромад топамиз, — дейди Эркин Тоғаев. — Беш фарзандим бор. Барчамиз бирдек далада меҳнат қиламиз. Бировдан кам бўлаётганимиз йўқ. Шунинг ортидан турмушимиз анча яхши. Фарзандларимизни ўқитяпмиз. Уй-жой қилиб бераймиз. Шукрки, ҳаракат қилсак, кам бўлмаймиз.

Айтишчи, Эркин ака биргина томорқа қараб қолган эмас. Тиришқоқлиги боис, ҳар йили фермер хўжаликларининг галладан бўшаган ерини ижарага олиб, сабзавот экади. Бу эса оила даромадини оширишга сабаб бўлмоқда. Ўтган йили фарзандлари билан фермер даласидан 25 гектар ер ижарага олган Эркин ака яхши маблағ ишлаб топди. Гектаридан 50 тоннадан зиёд олинган ҳосил бир миллион сўмдан ортиқ фойда келтирди.

— Бугун шунчаки қараб турадиган вақт эмас, — дейди Эркин ака. — Юртимизда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш учун имконият берилаётган экан, биз фақат олднингга интилишимиз зарур. Агар астойдил меҳнат



“**Аҳолига тегишли томорқанинг деярли 95 фоизидан унумли фойдаланиляпти. Битта оила камида 120 миллион сўм ишлаб топади.**”

қилсангиз, ер сизни боқади. Буни вақтида англай олиш лозим. Иш излаб турли юртларда сарсон бўлиш шарт эмас. Ўз уйингизда тинч ва хотиржам ҳаёт кечиришининг ўзи бахт. Пешона тери билан топган даромадингизга нима етсин!

Эсабойликлар одатига кўра, ҳар бир киши ўз даромад манбани яратиши керак. Жумладан, Қурбонгул Норқобилова турмуш ўртоғи Умр Нуралиев билан бирга доим деҳқончилик қилиб, рўзгор тебратиб келади. Шунинг ортидан тўрт фарзандни вояга етказиб, уй-жойли қилиди. Маҳаллада кўпчилик сабзавотчилик билан шуғулланса, бу оила уруғ етиштириш билан банд.

— Ҳар йили икки юз килога яқин саби уруғи етиштирамиз, — дейди Қурбонгул опа. — Бир килосини ўртача 250-300 минг сўмдан сотамиз. Шукрки, шунинг ортидан

рўзгоримиз бут. Бировдан кам бўлганимиз йўқ. Фарзандларим ҳам доим биз билан бирга. Ҳеч қачон меҳнатдан қочмаймиз. Қанча кўп ҳаракат қилсак, шунча кўп ҳосил оламиз. Бу эса яхши даромад дегани.

Ҳисоблаб кўрилса, ушбу хонадоннинг бир йиллик даромади ўртача беш юз миллион сўмдан ошади. Лекин бу пул гектарлаб ердан эмас, аксинча, бор-йўғи тўрт сотихли томорқадан олинмоқда. Бу эса 20 сотихдан ортиқ томорқаси бор кишилар учун ўрнат бўлишга арзийди.

Туман масъулларининг маълумотига кўра, ҳудудда камбағал оилалар ҳам санокли қолган. Хатлов жараёнида аниқланганларни бугун “маҳалла еттичили” ташаббуси билан камбағалликдан чиқариш чораси кўрилмақда. Жумладан, биринчи гуруҳ ногирони Бахтиёр Худойшукуров оиласи ҳам рўйхатга

олинди. Ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан унга имтиёзли кредит ажратилиб, қорва харид қилишга шaroит яратилди. Бундан ташқари, томорқасидан унумли фойдаланиш учун ҳомиёлик ёрдами ажратилган. Бахтиёр аканинг фарзанди ишга жойлаштирилди. Демак, тез орада яна бир оила фаровонлик сари қадам ташлайди.

Косон тумани ҳокимлиги масъуллари фикрича, айнан Эсабой маҳалласи раиси каби фидойилик билан ишловчилар кўпайса, манзиллар янада обод бўлади. Дарҳақиқат, маҳалла раиси тиним билмайдиган, эл учун доим камарбаста кишилардан бири экани биргина ишсизлик бартараф этилганидан ҳам маълум. Бундан ташқари, чекка кишлоқ бўлишига қарамай, шу жойнинг ўзида етиштирилган маҳсулотлар Россия, Қирғизистон, Тожикистонга экспорт қилинмоқда.

— Худудимизда бир йилда жами 80 минг тоннадан зиёд сабзавот етиштирилади. Шундан 30 минг тоннасидан ортиғи хорижга сотилади, — дейди “Эсабой” МФЙ раиси Нурилло Одилов. — Шунингдек, Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг деярли барча вилояти бозорларига сабзавотларимиз кириб боради. Албатта, бу натижага эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Аҳоли ҳар йили фермерлардан галладан бўшаган 20 минг гектар ерни ижарага олиб, деҳқончилик қилади. Бунинг ортидан бир йилда бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ ишлаб топаётганлар сони анча ошди. Илгари сабзавотларни сақлаш анча мушкул эди. Айниқса, қишқи совуқда ҳамда иссиқ кунларда имконият бўлмагани боис, ярқосиз холга келиб қоларди. Ёки сақлаш учун узокроқ ҳудудга харажат қилиб олиб боришга тўғри келарди. Бугун эса маҳалламизнинг ўзида музлаткичли омборхоналар барпо этилган. Энди деҳқонлар маҳсулотини бемалол шу ерда сақлаб, ўзи истаган пайтда бозорга чиқариши мумкин. Айни пайтда маҳалламизнинг ўзида 7 та музлаткичли омбор мавжуд. Жорий йилда улар сони 50 тага етказилади. Бундан ташқари, келгусида нафақат туманимизда, балки қўшни Касоби, Миришкор, Қарши туманларидан ҳам қўшимча ер олиб, деҳқончилик қилиш мақсадимиз бор. Авваллари сугориш тизимида бир оз муаммо мавжуд эди. Шу йил бошида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида 3 миллиард сўм ажратилди. Бунинг ҳисобига ҳозир етгита артезиан қудуғи қовланди, ариқларимиз бетонлаштирилди. Сугоришдаги муаммолар тўлиқ бартараф этилди.

Маҳалланинг асосий драйвери — сабзавотчилик. Аҳолига тегишли томорқанинг деярли 95 фоизидан унумли фойдаланиляпти. Битта оила камида 120 миллион сўм ишлаб топади.

— Ўтган йили айрим ёшлар Россияга ишлагани кетганди, — дейди маҳалла раиси. — Шундан сўнг уларнинг оилавий аҳолидан хабардор бўлиб турдим. Ававалига бир оз вақт керак деб юрдим. Аммо бир-икки ойдан сўнг ёшларнинг бирор тайинли иш тополмаганини аниқладим. Оиласидагилар ҳам, ўзим ҳам хавотирлана бошладик. Уларнинг борад вақт сарфлаб юрганига ачиндим. Шу ерда қанча иш бор. Ўзим уларнинг олдига — Россияга бордим. Борсам, ёш ийитилган топдаси ишлаб, топилмаса бекор юрган экан. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деб бежиз айтилмаган. На ётоқ жойида, на овақтланишида тартиб бор. Ҳатто қайтиш учун йўлқирга пули йўқ. Еттовини қайтариб олиб келди. Ҳозир бинойидек ишлаб юрибди. Оиласи бағрида, ойига камида етти-саккиз миллион сўм даромад олапти.

Бугун кўпчилик камбағалликдан фаровонлик сари дадил олдимаётган эсабойликларга ҳавас қилади. Бекорчиси йўқ маҳаллани ҳар бир ҳаракати кўпчиликка намуна. Асосийси, берилаётган имкониятларни ишга солиб, бозорларимизни тўкин-сочин, ҳудудларимизни фаровон, хонадонларини обод қилмоқда. Бундай маҳаллалар сони кўпайса, юртимизда камбағаллик даражаси кескин камийиши аниқ.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Агротармок

Риштон туманидаги “Мамажон” фермер хўжалиги саъй-ҳаракати билан зовур бўйидаги бўш, қаровсиз қолган майдонларда бунёд этилган янги боғлар ҳавасингизни келтиради. Олма, гилос, беҳи, ўрик қийғос гулга кирибди. Минг метрга чўзилган ток кўчатлари ҳосил нишонларини кўз-кўз қилади. 2000 тупдан ортиқ терак кўчати кўкка бўй чўзмоқда.



**ДАЛА ЧЕТИДАН
ХАЗИНА ТОПАЁТГАНЛАР**

Дала четида терак кўчатлари экишда уфқ тоқига кўтарилган қуёш йўналишини ҳисобга олинган. Яъни кўчатлар ривожга пахта ва галла экинчиларга соя солмаслигига эътибор қаратилган, сугориш учун ариқлар очилган. Мевазорлар кўйида асалари оилалари парваришланыпти. Бошқа пайкал четида картошка, помидор сингари сабзавотлар етиштирилмоқда.

— Яқингача бу ерлар тупроқ уюмидан иборат қаровсиз тепаликлар бўлган, — дейди фермер Набижон Амиров. — Экин майдони атрофини ўзлаштириш, ундан мақсадли фойдаланиш борасидан ишлар имкониятимизни кенгайтирди. Хўжалигимизда 39 гектар пахта, 45 гектар галла майдони бор. Шу кунга қадар дала четидан самарасиз фойдаланиб келганмиз. Ер қаровсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилгани боис, ўт-ўланлар бошқа гнёх ўсмаган. Бугунги манзара, ҳолат ўзгарди: экин майдонларига деҳқончилик маданияти кириб келди. Шу кунга қадар ўзлаштирилган дала чети, сув йўли бўйидаги бир гектарга яқин майдонда эҳтиёжимиз учун керакли сабзавот, полиз экинлари экиб, парваришлаш имконига эга бўлдик. Чорва боқишни йўлга қўйганмиз, парранда ва ўрдак парваришлаш борасида ишляпмиз.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ва таклифи ортиб бораётгани инобатга олина, экин майдонларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот етиштириш ҳажми ва сифатини ошириш муҳим ишлардан.

Президентимизнинг “Кишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада янги имконият эшикларини очди. Энди далалар чети ҳамда каналлар, сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонлар, аҳоли томорқаси, хонадонлар, кўп қаватли уйлар олди, маҳалланинг ички кўчаларида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни самарали ташкил қилиш ва кўпайтириш мақсадида олча, беҳи, бодом, жийда, тут, олхўри, узум каби меваги кўчатлар экиляпти.

Шу кунга қадар шаҳар ва туманлардаги далалар чети, коллектор-дренаж бўйларида 7 миллион тупдан ортиқ сарил меваги дарахт кўчати экилди, — дейди вилоят ўқимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи Абдуҳалим Саидов. — Экилган кўчатлар фитосанитар назорати давлат

инспекторлари томонидан дала назорати базасига кириштиб боришмоқда. Ниҳолларнинг ривожини доимий мониторинг қилиб бориш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш юзасидан фермер хўжаликларига маслаҳат бериб бориш тизими йўлга қўйилди. Бундан ташқари, далалар четида экин экамганлик ҳолати аниқланганда ер солиғи ставкаси уч баробар оширилиши, пахта ва галла экинларини етиштириш учун ресурслар молиялаштиришдан тўхтатилиши, дала четини фуқароларга иккиламчи ижарага бериш, бунда камбағал оилаларга устунилик берилиши юзасидан кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари бажарилляпти.

Эзгу мақсад йўлида бошланган ташаббус тудайли янги богроғларга асос солиниб, ҳудудлар ҳар жиҳатдан обод ва фойдали масканга айланиб бормоқда.

— Фаолиятимиз мева етиштиришга ихтисослашгани боис, ҳар қарич ер, ҳар туп ниҳолдан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз, — дейди Фаргона шаҳридаги “Лочинбек баҳори” боғдорчилик фермер хўжалиги раҳбари Ортикали Холматов. — Соҳага илм-фан, инновацион лойиҳалар жорий этилаётганини эътиборга олиб, далалар четига экспортбоп меваги дарахтлар экиш, сархил кўчатлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Шу кунга қадар аҳоли эҳтиёжи учун 2000 тупдан ортиқ меваги кўчат етказиб бердик. Бу йўналишда фаолият бошламоқчи бўлган томорқачилар, боғбонлар билан узвий ҳамкорлик қилиб келяпмиз.

Тартиб билан экилган меваги дарахтлар эътиборини тортади. Ерга ер қўшиб меҳнат қилаётган боғбон иши кўпга ибрат. Бу ерлар яқинда ҳам баланд-пастликлардан иборат, қаровсиз бўлганга ишонгизингиз келмайдми. Қисқаси, далалар чети, коллектор-дренаж, йўл бўйи, кўп қаватли уйлар олдидаги экин майдонидан самарали фойдаланиш борасидаги саъй-ҳаракатлар кўлами кундан кунга кенгайиб бормоқда. Имкон топган борки, бирор ниҳол экиш, ҳар қарич ерни қадрлаш ҳаракатида. Бу саъй-ҳаракатлар ҳудудлар ободлиги, аҳоли фаровонлиги ва бозорларимиз тўқинлигига хизмат қилаётир.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Худудлар ҳаёти



**БУЛУНҒУРДА ҚУРУТНИНГ
50 ХИЛИ ТАЙЁРЛАНАДИ**

Ўтмишда аждодларимиз узок сафарга, хусусан, ҳаж зиёратига борганида ўзи билан тез айнимайдиган егулик — толқон ва қурут олган экан. Улар ҳар қандай иқлимга дош берадиган, узок сақлаш мумкин бўлган маҳсулотлар. Жумладан, табиий тоза судтан тайёрланган қурутни 8 йилгача исталган ҳароратда сақлаш мумкин. Таркиби кальций, шунингдек, микро, макро элементлар, ферментларга бой қурут тиббиётда ҳам тавсия қилинади.

Беморлар жарроҳлик амалиётидан кейин тез куч-қувватга қириш, март-апрель ойлари — “илик узилди” палласида кальций етишмаслигини олдини олишда бу маҳсулотнинг меъдадаги истеъмоли жуда фойдали. Шу боис, одамларнинг қурутта эҳтиёжи ҳеч қачон йўқолмайди. Уни исталган дўкон, бозордан топа оламиз. Айниқса, пойтахтнинг Чорсу бозорига қирган киши сузмаю қурутнинг ёқимли исини дарҳол сезади. Расталар, халталар тўла турли шаклдаги қурутларни қимлар етказиб берар экан-а, деган ўй ўтади ҳаёйдан.

Чорсу бозоридagi кўплаб қурут сотувчилар булунғурлик қурут тайёрловчиларнинг доимий миқзоси. Туманининг Навҳавор маҳалласидagi 70 га яқин хонадонда тайёрланаётган қурутлар бутун мамлакатимиз бўйлаб тарқалади.

— Маҳалламизнинг драйвери — қурутчилик. 794 хонадоннинг 65 таси сузмадан қурут тайёрлаш билан шуғулланади. 15 йилдан бери шу хунар ортидан рўзгор тебратаятган Беход Мамырмов қабиларга бу иш — ота мерос, — дейди Навҳавор маҳалласидagi ҳоким ёрдамчиси Жўрабек Қамбаров. — Беход Мамырмов илгари хонадонига кунига 400-500 кило қурут тайёрлаш учун 8 кишини жалб қилган. Чунки барча иш қўл меҳнатига асосланганди. Ишни енгиллаштириш истасги тадбиркорлини қурут тайёрлайдиган ускуна яратишга ундади. 10 йиллик изланиши ва саъй-ҳаракати натижа бериб, орузсиздаги ускуна ихтиро қилинган, ҳамма қийинчилик ортда қолди. Маҳсулотнинг ҳажми ортиши билан бирга сифати ҳам яхшиланди. Энди махсус ускунада катта ҳажмдаги ишни икки аёл эпляпти. Бир кунда ўртача икки тоннагача маҳсулот тайёрланаётир. Бу хонадондан қанча кетаётган қурутлар воҳюа водийдан ташқари Қирғизистоннинг Ўш шаҳригача кириб боради.

Тўлқин Рустамов ҳам 15-20 йилдан буён қурут тайёрлаб келаятир. Ускунаси бўлмагани боис, ҳозирча кунига 400-500 кило қурут чиқариб турибди. Ҳафтасига 2-3 тонна сузма сотиб олади. Маҳалладаги 5 кишининг бандлигини таъминлаб, қулик иш ҳақи берапти. Давлатимиз раҳбари “Икки кишини иш билан таъминлаган одамни елкамда кўтараман”, деган гапни яқинда кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан мулоқотда яна бир қарра айтиб ўтди. Ўзгаришларга тез мослашадиган, янгиллик ва рақобатдан қўрқмайдиган, муҳими, одамларни ишли қилиб, даромадини кўпайтиришда энг фаол соҳа ҳам кичик бизнес эканини алоҳида таъкидлади. Айни учрашувда аёл тадбиркорларга яна имтиёзлар берилганидан куч олган Марҳаб Норқаева ҳам 4 қўшинсини ишли қилган. Ўғли Илёс Бозорбоев асосий иш юритувачи. Қурутчилик фаолиятининг ўзи унда бошқа ишга муҳтожлик сездирмайдми. 50 га яқин қурут турини пойтахтнинг Чорсу бозорига етказиб бераётган ёш тадбиркордан маҳсулотнинг кўтарар нархини сўрадик.

— Уч-уч ярим кило сузмадан бир кило қурут олинади. Сузманинг килосини 18 минг сўмдан оламиз. Тайёр маҳсулотимиз 65-70 минг сўмдан бошлаб сотиляпти. Эл қатори фойда кўряпти, — дейди тадбиркор. Сўхбатимизга қўшилган Марҳаб опа “Биз бошлаган пайтлар қурутчилар кам эди. Кейинчалик кўпайиб кетди”, дейди.

Маҳалланинг хотин-қизлар фаоли Рисолат Сулаймонова эса ўғли чет элга кетгани боис, қурут тайёрламай қўйгани, бироқ бу ишни тўхтатмасликдан гап бошлади. Ахир қурутчилик рўзгорининг қорига яраб, оила бюджетига ҳам яхшигина хисса қўшади.

— Ҳозир тадбиркорлини учун барча шароит бор. Ҳамма соҳа ривожланиб кетяпти. Масалан, сузмини Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Қашқадарёдан тўғри уйга олиб келадиганлар бор. Қолаверса, ўзимиздаги учта бозордан ҳам хомашё олиб келаверамиз. Сузмини туз билан аралаштириб берадиган миксерлар, сувини чиқариб, қурут ясашга ҳозирлайдиган бостирмалар ёрдамида ишляпмиз. Маҳаллада 2 кишида қурут тайёрлайдиган ускуна бор. Абдусаттор Ҳақимов чет элдан олиб келган, нархи жуда қиммат. Қани энди ҳамёнбироқ бўлса, ҳамма шундай ускуна ишласа, — дейди опа.

Қурут — ҳеч қачон меъдага тегмайдиган, бозори қаққон маҳсулот. Унинг таркибининг чуқур ўрганган мутахассислар юқори калорияли қийматга эгалигини аниқлаган. Уларнинг

таъкидлашича, сигир сутида 10 фоизга яқин оқсил, ўрнини бошқа нарсас билан алиштириб бўлмайдиган аминокислоталар бор. Эчки сутидан тайёрланган қурутлар эса ҳаммага бирдек фойдали. Айниқса, рахит касаллигига чалинган болаларга кўпроқ тавсия қилинади. Ичакларни токсинлардан тозалаб, қанд моддаси ва холестеринни камайтирадиган бундай маҳсулотни тайёрловчилар қурут бизнесининг эртасидан кўнглини тўқ қилса бўлаверади. Табиий усулда қайта ишлаб тайёрланаётган қурут, албатта, экологик тоза, органик маҳсулотдир.

Умуман олганда, қурутчилик — ҳалол пул топиш манбани. Тўғри, унинг таркибига ун, гуруч тоқлонини қўшишдан “уддубор”лар бор. Бироқ булунғурликлар нафсини қўйида доимий миқзорларни йўқотишни истамайдми. Шунинг учун Қамчиқ довозидagi қурут сотувчиларининг ҳам уларга меҳри банд.

Дарвоқе, маҳалла аҳли қурутчиликдан бошқа фаолият билан ҳам шуғулланади. Ҳоким ёрдамчиси айни пайтда маҳаллада имтиёзли кредит асосида тадбиркорликнинг янги-янги турлари йўлга қўйилаётганини айтиди. Масалан, хунармандчиликка кенг имконият яратилляпти. Бунинг натижасида биргина хунарманд Гулсара Қудратова 200 дан зиёд шогирд тайёрлади. У совун, тасма, турли мато ва қоғозлардан нафис гуллар тайёрлайди. Нафақа ёшида бўлса-да, бекор ўтиришни истамайдиган бу аёл гул ясаб сотиш ортидан соғлиғига фойда, рўзгорига қўшимча даромад келтиряпти. Ахир ойига камида 5-6 миллион сўм топса ёмонми? Байрамлар арафасида эса даромад икки хисса ортади. Совундан гул тайёрлаш учун қопиларни ўзи ясади. Хунарини фарзанди ва набираларига ўргатади. Шогирдлари орасида ўзи мустанк гул ясаб, дўкон очганлари ҳам бор. Энг муҳими, уларнинг 20 нафари “Аёллар дафтери”га киририлган хотин-қизлар. Ўтган йилги хатловда маҳалладан “Аёллар дафтери”га рўйхатга олинган 105 хотин-қизнинг 40 нафари ишсиз сифатида қайд этилганди. Ҳозир уларнинг 10 нафари Гулсара Қудратова сабаб иш билан таъминланди. Хуллас, энди ҳудудда ишсиз одамнинг ўзи йўқ. Ҳамма фойдала меҳнат билан банд. Яқунланган йилда маҳаллада бирорта жиноятчилик кузатилмагани ҳам шундан. Чунки барча иллатнинг боши — бекорчилик.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нуктаи назар

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ, ИННОВАЦИЯ,
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯИҚТИСОДИЁТДА “КАТТА САКРАШ”
ДАВРИНИНГ АСОСИЙ ФОРМУЛАСИФазлиддин МЎМИНОВ,
Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирлиги бўлим бошлиғи

Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ландшафтида “катта сакраш” даври бошланди. Бу даврнинг асосий формуласи сифатида майдонга чиққан сунъий интеллект, инновациялар ва рақамли технологиялар соҳаси эса мамлакат иқтисодиётини тубдан ўзгартириш, уни жаҳон бозорида рақобатбардор қилиш ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида жадал ривожланмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 19 март куни кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан ўтказган учрашувида ҳам юқоридаги масала айлани кун тартибиде бўлди. Давлатимиз раҳбари тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш стратегиясига қўйилган таъкидлар экан, тадбиркорлик қанча тез ривожланса, мамлакатимиз шунча қудратли бўлишига, халқимиз шунча фаровон яшашига уруғ берди. Кичик ва ўрта бизнесда тез ўсётган тадбиркорларга кўмак бериб, уларни ҳам соҳада етук “чемпион”га айлантириш чора-тадбирлари йўлини барчага аниқ ва ойдин қилиб кўрсатиб берди.

Дарҳақиқат, кичик ва ўрта бизнес тараққиёт йўлидаги ҳар бир мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган бўла олади. Бунда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлик даражасини ошириш ва камбағалликни камайтириш масалалари соҳа берадиган ечимларнинг асосий қисмини ташкил этади. Шунингдек, соҳанинг иқтисодий ўсишга қўшадиган ҳиссаси салмоқли, у мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг муҳим қисмини ташкил этади. Аинқс, кичик ва ўрта бизнес янги гоғлар ва технологияларни жорий этишда муҳим роль ўйнайди, бу эса иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминлайди.

Демакки, тадбиркорлик миллий тараққиётнинг таянчи экан, янги Ўзбекистоннинг ишончли қадамларини бугун айна кичик тадбиркорларимиз босиб ўтмоқда. Сўнгги йилларда бу борада эришилган ютуқларимизда уларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар астойдил

ҳаракат натижасида дастлаб ўзлари “оёққа турган” бўлса, бугун 10 миллиондан зиёд аҳоли шу йўналишда даромад топиб, рўзгор тебратмоқда. Хусусан, солиқ имтиёзлари белгиланиши, кредит ресурсларига имтиёзли кириш, бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиб-таомиллари соддалаштирилиши, бизнес инкубаторлар ва технопарклар ташкил этилиши каби қўллаб ўзгаришлар, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий этиш каби ислохотлар соҳа вакилларига муҳим қанот бўлди. Шу боис, юртимизда аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши йил сайин ошиб бормоқда.

Аксарият ёшлар орасида ўз бизнесини бошлаш истаги кучли экани кишини қувонтиради. Улар янги гоғлар ва инновацион лойиҳалар билан иқтисодиётни ривожлантиришга ҳиссасини қўшишга интиломоқда. Бу жараёнда эса олий таълим тизимининг ўрни беқиёс эканини таъкидлаш жоиз. Бунда ўз янги бизнесини бошлаётган ёш кадрларга билим ва кўникмалар бериш, уларни молиявий бошқарув, маркетинг, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга оид зарур тушунчалар билан таништириш муҳим жараёндир.

Соҳа бўйича илмий тадқиқотларни амалиётга таътиб этиш, тармоқлараро интеграцияни таъминлаш, талабалар, мутахассислар ва тадбиркорлар алоқаларини мустаҳкамлаш ёш тадбиркорларга шериклар ва инвесторлар топишда кўмаклашади. Бу борада олий таълим тизимида ташкил этилаётган тадбиркорлик марказлари

ва инкубаторлар уларга зарур инфрапузилма ва ресурсларни тақдим этмоқда. Шу мақсадларни қўзлаган ҳолда, яқинда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан Ўзбекистонда илк бор “Келажақ муҳандиси” республика танлови эълон қилинди.

Энди ҳукуматнинг тегишли қарори билан 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили муҳандислиги йўналишлари бўйича “Энг яхши гоғ”, “Энг яхши лойиҳа” ва “Энг яхши ихтиро” республика кўрик-танловлари ўтказилади.

Танловга муҳандислик соҳасининг асосий йўналишлари — механик муҳандислик (механик тизимлар ва ускуналар яратиш), электр муҳандислиги (электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш), компьютер муҳандислиги (компьютер тизимлари ва дастурий таъминотлар яратиш), қурилиш муҳандислиги (иншоотлар, кўприклар ва йўллар қурилиши) ҳамда кимё муҳандислиги (кимёвий ишлаб чиқариш жараёнлари ва моддаларни қайта ишлаш) бўйича лойиҳалар топшириш талаб этилади.

Танловнинг “Энг яхши гоғ” йўналиши муҳандислик соҳасида илмий-инновацион характерга эга ижодий гоғларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ҳали амалиётга жорий этилмаган, лекин технология ёки муҳандислик жараёнларини тоқимиллаштиришга хизмат қилувчи концептуал гоғлар асосида ишлаб чиқилган прототипларни тақдим этиш назарда тутилган. Кўрик-танловнинг мақсади



Коррупция — жамият танасидаги саратон

ШАФФОФЛИК, ТЕНГЛИК, ҚАЛОПЛИК

КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ МУҲИТ
ЯРАТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва коррупциядан холи муҳит яратиш борасида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2025 йил 5 март куни Президентимиз раислигида ўтган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ййғилишида коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо берилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Коррупция камайиши ва бартараф этилиши иқтисодий ўсиш ва жамиятдаги ишонччи оширишга ёрдам беради. Дунё таърибасини кузатсак, ривожланган давлатлар коррупциядан холи муҳит яратиш, бу иллатни енга олганига гувоҳ бўламиз. Сингапур, Швеция, Нидерландия, Финляндия каби мамлакатлар коррупцияга қарши курашда муваффақиятга эришган. Натижада давлат бошқаруви ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ишонч мустаҳкамланган.

Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналишда тизимли ишлар бажарилди. Энди бу сайёҳаракатлар янги куч билан ишчи тус олади. Сабаби миллий кенгаш ййғилишида 55 та аниқ вазифа, жумладан, 5 та янги қонун, Президентнинг 12 та фармони ва қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди.

Илгари коррупцияга қарши кураш бўйича алоҳида дастурлар мавжуд бўлса-да, ижроси талаб даражасида эмас эди. Янги даврда бунга чек қўйилди. Мамлакатимизда коррупцияни таг-томири билан қуритиш учун, аввало, инсон омили ва қўғозбозликни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Парламент ва ҳудудий кенгашларнинг роли оширилди.

давлат органларининг очиклигини таъминлашга қаратилган тизимлар жорий қилинди.

Президентимизнинг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада тоқимиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони юртимизда коррупцияга қарши курашиш тизимини тоқимиллаштириш, давлат органлари фаолиятини янада шаффофлаштириш ва самардорлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларнинг узвий давомы бўлди. Ҳуқуқий ҳужжатда коррупцияга қарши курашиш тизими ва қонунларни тоқимиллаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, ташқи ва ички аудитни мустаҳкамлаш борасида қатор вазифалар белгилаб берилди.

Фармон ижроси доирасида давлат идоралари фаолияти очиклиги таъминланди. Жамоатчилик назорати кучайтирилди ҳамда ҳар чоракда коррупция билан боғлиқ жиноятлар таҳлил қилинди. Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат ташкилотларининг вазифалари аниқ белгиланди. Янги назорат ва

Ахром ҚОШИМХОНОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

мониторинг механизмлари ишлаб чиқилиб, коррупцияга қарши самарали тизимлар жорий этилди.

Шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини янада самарали амалга ошириш учун очик маълумотлар базалари ва ахборот тизимлари ишлаб чиқилди. Оммавий назоратни кучайтириш мақсадида фуқаролар ва жамоат ташкилотлари давлат хизматларини мониторинг қилишга жалб этилди.

Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мустаҳкамлаш учун аудит тизими

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

инновацион фикрларни кенг оммага етказиш, ёш муҳандислар орасида ижодий ёндашуви рабатлантириш ва илгор гоғларни амалий лойиҳаларга айлантиришдир.

Шу ўринда Ўзбекистонда стартап экотизимини ривожлантириш ва инновацион туманлар билан ишлаш бўйича асосий кўрсаткичлар таътибланиши қаратсак.

2017-2024 йиллар орасида Ўзбекистонда стартап экотизимини ривожлантириш ва инновацион туманлар билан ишлаш бўйича асосий кўрсаткичлар сезиларли ўзгаришларни кўрсатади.

Стартап экотизимини ривожлантириш учун 2018 йилдан 30 та стартап лойиҳа молиялаштирилган бўлса, 2024 йилга келиб 114 тага етди. Бу стартап лойиҳаларга қизғин ва инвестициялар ҳажми ортиб бораётганини аниқлатади.

Лойиҳалар натижасида яратилган инновацион маҳсулотлар ва хизматлар сони 2018 йилдаги 42 тандан 2024 йилга келиб 364 тага етди. Бу стартап лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширилаётганини ва инновацион маҳсулотлар бозорига кириб бораётганини кўрсатади.

Ҳудудларда 2022 йилда 25 та инновацион инфрапузилма ташкил этилган бўлса, 2024 йилда 55 тага етди. Бу ҳудудларда инновацион фаолият учун зарур шарт-шароитлар яратилаётганини исботидир.

Умуман олганда, Ўзбекистонда стартап экотизими ва инновацион фаолиятда ижодий ўзгаришлар кузатиломоқда. Давлатимиз томонидан стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларда инновацион инфрапузилмани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу юртимизнинг инновацион салоҳиятини оширишга ва иқтисодий ўсиш таъминлашга хизмат қилади.

Учрашувда қайд этилганидек, иқтисодиёт ҳажмининг ярмидан кўпи, сановат ва экспортнинг учдан бири шу соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келяпти. Бу рақамларнинг ўзиёқ мамлакатимиз иқтисодиёти учун кичик ва ўрта бизнес қанчалик муҳимлигини аққол кўрсатиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсати ҳамда бу йўналишда қўллаб-қувватлагани боис, сўнгги беш йилда кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 қарра ортди.

Жорий йилдан кичик бизнесга 300 миллион сўмгача кредит берилга бошланди. Энди охириги бир йилда йириклашиб, кичик ёки ўрта корхонага айланган тадбиркорларга шунинг 150 миллион сўми гаровсиз берилди.

Бизнесни молиялаштиришда муқоабл манба сифатида венчур фондлар омаллашмоқда. Беш йилда улар иштирокида 145 миллион долларлик 53 та стартап лойиҳа амалга оширилган. Бунинг кенгайтириш мақсадида давлат банклари томонидан яна 3 та венчур



яратилиб, барча объектнинг лойиҳа ҳужжатлари ва экспертиза хулосалари электрон база-си шакллантирилмоқда.

2023 йилда “Шаффоф қурилиш” тизими орқали 27 мингдан ортиқ объект лойиҳаси экспертизадан ўтказилди. Шаҳарсозлик фаолиятини лицензиялаш электрон шаклга ўтказилди. 2024 йилда 949 та лицензия ва 25 та аккредитация гувоҳномаси берилган. “Шаффоф қурилиш” тизимида ўтказилган 50 мингта электрон тендер натижасида 1,8 триллион сўм тежаб қолинди.

Иккинчидан, соғлиқни сақлаш соҳасида коррупциянинг олдини олиш, тиббий хизмат кўрсатиш жараёнининг барча босқичида шаффофлиқни таъминлаш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Хусусан, ўтган йилларда Адлия вазирлиги ташаббуси билан соғлиқни сақлаш соҳасида ҳодимларни “ҳалоллик вақтинаси” тамойили асосида ўқитиш дастурига кўра тизимдаги коррупция ҳавфи юқори йўналишларда ишловчи ҳодимлар ўқитилди.

Бундан ташқари, “Ўзбекистонда аксил-коррупция лабораторияси” лойиҳаси доирасида “Ақушерлик амалиётида ноҳалоллик ҳавф омилларини баҳолаш” йўналишида манзилли тадқиқот ўтказилишини ҳам таъкидлаш лозим.

Учинчидан, давлат харидлари соҳаси самарали давлат бошқарувини ташкил этиш ва мамлакат миқёсида кенг қўлмалли

компания очилиб, 50 миллион долларлик фонд шакллантирилди. Хориждан ҳам яна 50 миллион доллар жалб қилинади. Бу бизнесни бошлаётган тадбиркорлар учун қўшимча имконият бўлади. Энг муҳими, бундай лойиҳалар иқтисодиётга янги йўналиш, технология, инновация ва юқори қўшилган қиймат олиб киради.

Президентимиз ҳар қандай муваффақиятли йирик бизнес, энг аввало, кичик гоғ ва ҳаракатдан бошланишини таъкидлади. Бу фикр ўсиб келаётган соҳа вакилларига катта мотивация беради. Қолаверса, мамлакатимиз муваффақиятларида кичик бизнеснинг аҳамиятини ҳам ифода этди. Яъни кичик бизнес йирик бизнеснинг пойдеворидир. Кичик бизнес ривожланса, йирик бизнес ҳам ривожланади, демакки, юрт тараққиёти қилади, эл яйнайди. Аинқс, бозор иқтисодиётида рақобат муҳити кучаяди, бу эса халқимиз учун сифатли маҳсулот ва хизматларнинг кенг ассортименти таъминлайди. Шунингдек, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш орқали мамлакатнинг экспорт салоҳияти ошиб боради.

Яна бир муҳим жиҳати, кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминлаш учун янги технологияларни жорий этишда асосий ташаббускордир. Яъни тадбиркорлик йўналишида таъриба ортиб боргани сари бизнес вакиллари ўз устида ишлаб, инновацион фаолият кўрсата бошлайди. Масалан, бу йўналишда иқтисодий ўсишнинг катализатори бўлган сунъий интеллект иқтисодиётнинг барча соҳаларига кириб келмоқда. У ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, харажатларни камайтириш ва сифатни ошириш билан тадбиркорларимизга катта қўлайликлар яратади. Шу ўринда айтиш керакки, иқтисодиётга бу каби инновациялар ва рақамли технологияларни жорий этиш соҳада “катта сакраш” даврининг муҳим шартидир.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан мулоқоти юртимизда кичик ва ўрта бизнес соҳасининг эркин ривожланиши учун янги истиқболларни белгиланган ҳолда, уларнинг келгуси фаолиятида тарихий бурилиш ясаши аниқ. Чунки энди тадбиркорликка янги қадам қўйилган учун “биринчи имконият” тамойили жорий этилмоқда. Бунда биринчи мартаба маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган тадбиркорга қанчаликни бартараф этиш имконияти яратилади. Шу билан бирга, молиявий аудитдан ўтиш мажбуриятининг соддалаштирилиши, 2028 йилнинг 1 январига қадар ҚҚС ва фойда солиғи ставкаси оширилмаслиги, кичик бизнесдаги келгуси қадамларни белгиллаб берадиган беш йиллик стратегиянинг ишлаб чиқилгани ҳамда янги бозорларга кириб бориш, стандарт, янгиликларга ўқитиш, бренд яратиш, стартапларни юзага чиқариб, кўпайтириш учун кичик бизнес уюмчаси ташкил этилиши, кичик бизнес билан ишлашга маҳалладан тортиб банклар, бандлик вазирлиги ҳамда Бош вазир ўринбосарларига ҳамда катта тизим сафарбар қилинаётгани — буларнинг барчаси тадбиркорларимизни ҳақли равишда янги Ўзбекистоннинг бизнес истиқболларига айлантириши шубҳасиз.

Бу каби мулоқотларнинг ўтказилиши, халқ етакчилигининг тадбиркорлар билан бевосита учрашини, уларнинг фикр ва тақлифларини диққат билан тинглаши, муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ топшириқлар бериши, соҳага қўллаб ўзгаришлар, ташаббуслар, имтиёзлар жорий этилаётгани мамлакатимиз иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшади.

ислохотларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга йўналишлардан биридир.

Шу боис, давлат харидларида коррупциянинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Эксперт комиссияси тузилиши, илгор таъриба асосида давлат харидларида товарларнинг ўртча бозор нархи кўриниб турадиган электрон платформа яратилиши, давлат харидларида сотиб олинмадиган товар ва хизматлар нархи ўртча бозор нархидан кўпи билан 20 фоиздан ошмаслиги белгилаб берилгани аниқ мудоао бўлди.

Ингилишда, шунингдек, ушбу талабни бузганлик учун қонун билан жавобгарлик ва жарималар жорий қилиниши таъкидланди. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан асосий восталарини харид қилиш бўйича талаблар ҳам кучайтирилиши белгиланди. Давлат идораларининг харидида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган транспорт ва мебелга устуворлик бериш зарурлиги қайд этилди. Йирик лойиҳаларни юқори даражадаги коррупцияга қарши стандартлардан келиб чиқиб баҳолаш талаби қўйилди.

Ўтган йилларда танлов ва тендерлар рақамлашиб, соғлом рақобат йўлга қўйилгани учун бюджетнинг 14 триллион сўм маблағи тежалди. Энди давлат харидлари тартибга солиниши, тўғридан тўғри харидлар чекланиши ҳисобига бюджет маблағи тежалши таъминланди. Давлат пулини мақсадсиз сарфлаш ҳолатларига барҳам берилди.

Бироқ фикримизча, эришилган натижалар билан чекланиб, бу йўналишда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки коррупцияга қарши курашиш барчамизнинг умумийлиги вазифамиздир. Ҳар бир инсон бу иллатга қарши курашиш ўз вазифаси деб билиши керак.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳамма-си ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий натижага эришамиз. Барчамиз юртимизда коррупцияга қарши курашишга ўз ҳиссамизни қўшган ҳолда ислохотларга дахлдорлигимизни ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Зеро, Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш борасидаги ислохотлар жамият тараққиётига хизмат қилади. Ушбу чора-тадбирлар орқали давлат бошқаруви очиклиги, қонун устуворлиги таъминланди ҳамда иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам пойдевор барпо этилди. Коррупция камайиши халқнинг давлат идораларига ишончини мустаҳкамлайди ва мамлакатнинг халқро майдондаги нуфузини оширади.

Дастлаб ҳайвонлар терисига битилган матнларни бугун метро ёки автобусда аудио шаклида эшитиб кетамиз, планшетда ўқиймиз, визуал гавдалантириб, сўнг мароқ билан томоша қиламиз. Хўш, нима учун? Нима сабабдан яхши маънодаги ушбу интеллектуал оғу — китоб ўқиш одатининг ижтимоий қўлами ортса, юртда ва жамиятда тараққиёт тезлашади, деган қарашни қўллаб-қувватлаймиз, у муҳим эҳтиёжларимиздан бири эканига шубҳа қилмаймиз?



Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ган шундаки, мутлоаа фақат шахс ва китоб сўзларининг йиғиндис эмас, балки у ҳаётга нега келганини, бу дунёдаги тугал мақсади нимадан иборат эканини, қандай яшаса, ўзидан ва бошқалардан миннатдор бўлиши мумкинлигини ўйлаб ўйига етолмаган, фикрлаш доирасини муттасил кенгайтириб бориш асносида ҳамма саволига жавоб топишни истаган сизу биз каби одамларни ўзида қадим сир синаотларни яширган, ҳар бир соҳа, ҳар бир йўналиш, ҳар бир тутум учун эътиқод, доғишманд, маслаҳаттўй, ҳамдард, янги фан, ажойиб қўлланма, ҳуллас, жами тажрибалар жамғури бўлиб бера оладиган китоб билан боғловчи катта жараёндир.

Азалдан халқимизда адабий-бадий дид ниҳоятда юксак бўлган. Туркий, форсий, арабий тилдаги асарлар бирдй мутлоаа қилинган, саъдийхонлик, навоийхонлик, бедилхонлик, бобурхонлик кенг урф бўлган. Сўз санъатида шайдолик туфайли бўлса керак, одамлар ҳаёт одадий турмуш тарзи, масалан, бозордаги олди-сотдини ҳам қоғиға солган. Табобат, одоб-ахлоқ, илм-фанга оид йўл-йўриқлар, умуман, ўрганиш лозим бўлган кўп-лаб муҳим соҳага доир асарлар шеърй йўлда битилган.

Мутлоаа — хослар машғулоти, аъло одамлар насибаси эканидан келиб чиқсак, ушбу ҳодиса инсоният тарихидаги энг буюк тафаккур соҳибларини ўзига жалб қилиб келгани бор гап. Айниқса, жамият диди юксалишида беминнат хизмат қилган адабиёт даргалари, жуладан, ёзувчилар, шоирлар, мунаққидлар гўзал мутлоаа тақдим этадиган ранг-баранг ҳиссиётлар қаторини тўлдириб берган. Албатта, тафаккур қўлами, савияси ёзармандларнинг китобхонлик даражасидан ажқол даражат бериб туриши янгилик эмас. Туркий тилда энг “кўп ва хўб” ёзган Навоийга ноёб истеъдоддан ташқари китобхонлик бобида тенг келадиган шoir мумтоз адабиётимиз тарихида деярли топиламлигининг сабаби ҳам шундан. Ёзувчи айтмоқчи, бир қатор жўяли гап ёзиш учун бутун бошли китобнинг авра-астарини чиқариши лозим.

Парадоксал тарафи: мутлоаага таъсир кўрсатган ушбу шахслар айнан мутлоанинг ўзидан таъсирланган. Демак, китобга алоқадор ҳар ким ўзи билган, билмаган ҳолда мутлоанинг чексиз айланувчи халқасига қўшилади, унинг кенгайишига хизмат қилиши билан бири дунёқарашини ҳам кенгайтириб боради.

КИТОБ ЎҚИМАСЛИК ҲУҚУҚИ

Энди ҳиссиётларни бир четга суриб, диққатимизни муаммолар, баҳсли саволлар ҳамда фактларга қаратамиз. Ҳар қандай фаолият замирида, шунингдек, мутлоаа жараёнида ҳам биринчи ўринда эҳтиёж ётади. Бундан шу аёнки, оқ-қора матн орқасида ҳаққоний олам тушунчаси турибди. Инсон уни шу жараёнда ўрганади. Юқорида айтиб ўтилганидек, мутлоаа — фаолиятнинг библии, ўрганиш, илм олиш ҳодисаси. Замон заили билан эса ушбу ижтимоий-бадий ҳодисани бизга етказиб берадиган востлар ўзгариб кетди.

Маданиятшунос ва файласуф Маршалл Маклюен ўтган асрининг 60-йилларида инсоният ихтиро қиладиган ҳар бир янги ахборот востисини бутун бир авлод вакиллариин катта имтиҳондан ўтказида деганида, ҳозирги авлодининг электрон китоблар, букридерлар, смартфонлар қўршовида қолиб кетишини назарда тутган бўлса, ажасмас. Албатта, буларнинг ҳаммаси мунтазам ишлаб чиқилади-

“Мутлоаа, тан олаимизми-йўқми, шахсий муваффақиятга таъсир қиладиган бош омиллардан. Жаҳонда бир қанча тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, улар ўқилган китоблар сони эришилган даромад даражасига бевосита боғлиқлигини исботлаган. Материалистик сабаб керакми, мана: қанча кўп ўқисангиз, шунча кўп пул топиш имкониятингиз ошиб боради.

ган ва асло тўхтамайдиган, хавфли бўлмаган қўлайликларнинг навбатдагиси. Улардан қай даражада фойдалана олишимиз узоқ-яқин келажакда маълум бўлади. Аслида, гап булар ҳақида эмас, бугунги мутлоанинг бошқа барча даврга нисбатан сустилиги, жўнлиги ва китоб ўқиш ўзи нима учун бунчалик муҳимлиги хусусида.

ЮНЕСКО маълумотиға кўра, бугун сайёраимиздаги 781 миллиондан ортиқ катта ёшли одам умуман ўқиниш билмайди. Бу ҳар 10 кишидан бири саводсиз дегани. 251 миллионга яқин бола мактабга бормайди. Саводсизларнинг аксарияти энг қашшоқ 35 мамлакатда яшайди, аммо ривожланган мамлакатларда ҳам оз эмас.

Хўп, умуман, саводсиз одам бўлишга онгли равишда розилик билдирганига ҳаққимиз борми? Афсуски, бутун ёши 30 дан ўтса-да, унга ҳам китоб ўқимаган танишларимиз топилади. Хўш, уларда бу ёруғ дунёдан мутлақо ўқимай яшаб ўтиш ҳуқуқи борми? Бор десак, унда нима учун ўзимиздаги мутлоаа завқини уларга юктиришга уринаверамиз? Қўярда-қўймай улардан ўзимиз истагандек китобхон ясашга чиранишимиз ортида рад этиб бўлмас қандай масъулият бор? Ниятимизга эришиш ҳам дейлик, ундай китобхонлардан кимга қандай наф?

Тўғри, китобхонликка муҳаббат ўйғотиш алоҳида масала, бироқ бу масала масофасини саводли китобхонлик даражасини кўтаришга ҳаракат қилиш орқали қисқартириш мумкин. Акс ҳолда... эҳ, фараз нималарга олиб бормайди. Шунчаки тасаввур қилайлик, ҳамма

“Дунёнинг кўплаб донгдор университетларида таълим берувчи иқтисодчи профессорлар адабий қаҳрамонлар талабаларга иқтисодий назарияларни тушунтиришга ёрдам беришини таъкидлаган. Китобхон иқтисодчи бўлиш ажойиб, аммо яхши китобхон бўлсангиз, нафақат иқтисодчи, балки исталган соҳанинг етук мутахассиси бўла оласиз.

ёппасига китоб ўқимай қўйса, нима бўлади? Биринчи навбатда, бунинг салбий таъсири давлат ва жамиятнинг иқтисодий, маънавий устунларида сезилади. Боиси, яхши ўқимаган одам — ёмон ҳодим, уқувсиз раҳбар дегани, креативлик, яратувчанлик у ёқда турсин, айтилган вазифанинг-да эпини қилолмайди. Асл қадриятлари нималигини тушулмаган, уйига ёмон ота ёки фарзанд шаклида кириб келади. Эътиқоди сусайиб, ўз мақсадини унутади. Қарабсизки, биргина мутлоаа инкирози сабаб замонавий манкуртлар аста-секин бутун бошли мамлакатни пароканда қилади. Бир, узогги икки

авлод алмашинувидан сўнг одамлар ўқиш ва ёзишни буткул эсдан чиқаради. Шу вақтга қадар орттирилган тажрибалар, яратилган қўлайликлар, тартиблар восита йўқлиги сабаб макон ва замон оралигида қолиб кетади... Албатта, булар тасаввур. Ушбу ҳолатга тушиш учун камида ҳамма бирдек фикрламаслиги лозим. Бахтимизга орамизда ўз манфаатидан жамият манфаатини устун



қўрадиган, юксалиш учун тинимсиз меҳнат қилаётганлар кўп.

Менимча, саводхон қатламнинг кўпайиши ижтимоий ҳаётнинг барча кўринишида таъсирчан омил эканини адабиёт ва иқтисодиётнинг уйғунлигида кўриб чиқсак, бугунги давр одами учун янаям тушунарли бўлади.

АДАБИЁТДА ДАРОМАД, ПУЛ ВА БОЙЛИК

Мутлоаа, тан олаимизми-йўқми, шахсий муваффақиятга таъсир қиладиган бош омиллардан. Жаҳонда бир қанча тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, улар ўқилган китоблар сони эришилган даромад даражасига бевосита боғлиқлигини исботлаган. Материалистик сабаб керакми, мана: қанча кўп ўқисангиз, шунча кўп пул топиш имкониятингиз ошиб боради.

Масалан, Хитойни олайлик. Бутун бу давлат китобхонлик йўналишини тараққиётининг устувор устунларидан бирига айлантирган. 10-15 йил олдин салкам дунёнинг учдан бир қисми яшайдиган ушбу ҳудудда ижодкорлик деярли йўқ эди. Биргина фантастика, фентези, киберпанк каби жанр ва услублардаги асарлар кўпайиб, мутлоаага алоҳида эътибор қаратила бошлагач, вазият туддан ўзгарди. Бир пайтлар таниқли бренддаги махсулотларнинг арзон хусасини ясашдан нарига ўтолмаган, ўзининг аҳолисига ҳам тўлиқ моддий кўмак тақдим этилмаган юрт бутун иқтисодиёти билан дунё бозорини эгаллаётган қудратли мамлакат сифатида қайта танилди. Хитой баъзилар учун

тасаввурни шакллантирамыз, уларнинг оғрини ўзимизда туямыз, қувончини биргаллашиб баҳам кўрамыз, ўтмиш ва келажак кўпригида юзма-юз келиб, саволлар берамиз. Буларнинг ҳаммаси эса илмий фаразлар каби юз фоиз рост бўлмаган тушунчалар, ҳулосалардир. Эҳтиомоллар назарияси ёки болалар учун ай-



тиладиган уйдирма — иккиси ҳам умумҳақиқатда сўзсиз устуворликка даъво қилишга ҳақли эмас. Бундан келиб чиқадик, икки соҳа қай бир нуқтада тенгликда туради. Бу тенглик сўнгги икки асрда, айниқса, кўпроқ намоён бўлди.

Адабиётда иқтисодиёт деб бадий асарларда иқтисодий жараёнлар ва иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг бадий тасвирини кичик мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Яъни тўқима қаҳрамонлар тилидан айтилувчи жозибали сўзлар муаллифнинг ўз давридаги иқтисодий муаммоларни қандай баърадаф этгани, қабул қилгани, муайян иқтисодий мезоннинг афзалликлари, ноқўлайликлари, бозорлардаги соф фойда ва бошқа кўплаб масалаларни очувчи калит вазифасини ўтаган.

Исталган гоя ёки гоғлар оқими одамлар онига адабиёт орқали ўтади. Бобур, Шекспир, Даниель Дефо, Гётте ва бошқа кўплаб адбллар ижодини синчковлик билан ўрганаётган эканиси, уларнинг иқтисодий муаммоларга ёки биз яшайётган чекланган моддий ресурслар дунёси манзарасига қарашларини пайқайсиз. Нимадир ўрганасиз, ўзингиз учун ҳулоса чиқарасиз.

Китоб ўқимайдиган киши ўзининг эмас, атрофдагилар фикри билан яшайди, айрим инсонлар кўрсатмасига асосан ҳаёти қандай ўтиб кетиб қолганини ҳам билмай қолади. Китобсевар инсон нафақат ўзини, балки атрофдагиларни ҳам тушунишга ҳаракат қилиб, шу билан бирга, ўз шахсий фикри ва позициясига эга бўлади, кимлардир хоҳлагани учун нотўғри деб билган ишларни бажармайди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

беришини таъкидлаган. Китобхон иқтисодчи бўлиш ажойиб, аммо яхши китобхон бўлсангиз, нафақат иқтисодчи, балки исталган соҳанинг етук мутахассиси бўла оласиз.

ИНСОННИНГ ҚИЙМАТИ ЎҚИГАН КИТОБЛАРИ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

Мутлоанинг иқтисодиётга таъсири у келтирадиган фойданинг ўндан бири, ҳолос. Умуман олганда, мутлоаа — қони фойда. Китоб ўқийдиган одам қаерда, қачон, кимга қандай гапириш кераклигини яхши билади ва фикрини ифодалаш учун камдан кам сўз тополмай қолади. Китоб ўқийдиганлар билан суҳбатлашмиш мароқ беради.

Миянинг чап ярим шарига сўз ва маълумотлар билан боғлиқ операциялар амалга оширилади. Ўнг ярим шар эса визуализация ва тасаввурга жавоб беради. Китоб ўқиш давомиди миянинг икки ярим шари ҳам фаол ишлайди. IQ даражасини кўтариш, англаш ва тасаввур ошишига сабаб бўладиган китобга шунинг учун ҳам

“Парадоксал тарафи: мутлоаага таъсир кўрсатган ушбу шахслар айнан мутлоанинг ўзидан таъсирланган. Демак, китобга алоқадор ҳар ким ўзи билган, билмаган ҳолда мутлоанинг чексиз айланувчи халқасига қўшилади, унинг кенгайишига хизмат қилиши билан бирга дунёқарашини ҳам кенгайтириб боради.

Ўз навбатида, бундай китоблар одамларнинг молиявий, ҳуқуқий саводхонлиги ошишига ҳам хизмат қилди. Акциялар билан боғлиқ операциялар, молиявий инвестициялар, молия бозоридagi фибригарлик, спекуляция, непотизм, рақобат, тадбиркорлик, инновациялар, қарз ва банкротлик — буларнинг барчаси асар пишқиқлигини таъминлаш билан бирга ўқувчининг илмий савиясини оширди, иқтисодиётдаги дастлабки тушунчаларни шакллантирди. Натижада бу соҳага қизиқувчилар сафи қаррасига кенгайди.

XIX асрда битилган қатор машҳур романларда иқтисодий воқеалар поэтик манзаранинг доминантаси бўлган. Гоголнинг “Ўлик жонлар”ида рус помещиклари, коррупционер ва баднафс амалдорлар тасвирланган бўлса, Достоевский қаҳрамонлари атрофида ўша даврнинг бозор шароитига батафсил тўхталиб ўтган. Бальзакнинг “Нусинген банк уйи” асари эса чойқовчилик ҳақида ҳикоя қилади. Бундай мисоллар юзлаб топилади. Асосий иқтисодий муаммолардан бири — мавжуд табиий ресурслар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва чекланган ресурслардан оптимал фойдаланиш орқали омон қолиш муаммосини ҳал қилган Робинзон Крузо, балки кўпчилик билмас, иқтисодчилар орасида ўзига хос тимсолга айланиб улгурган.

Дунёнинг кўплаб донгдор университетларида таълим берувчи иқтисодчи профессорлар адабий қаҳрамонлар талабаларга иқтисодий назарияларни тушунтиришга ёрдам

энг яхши мия тренажери деб таъриф берилади. Мунтазам китоб ўқиш натижасида маълумотларни сақлаш учун аҳамиятли бўлган янги нейронлар шаклланади. Бу, ўз навбатида, хотира яхшиланишида муҳим аҳамиятга эга.

Яхши китобда ҳаммаша ўйга толдирадиган саволлар ва вазиятлар бўлади. Яшайдан маъно нимадалиги, глобал ва жамиятдаги мавжуд муаммолар, кишилар ўртасидаги муносабатларнинг қаҳрамонлар образида кўрсатиб берилиши ўқувчини инсонийлик, берафқ бўлмаслик ва вазиятга онгли равишда ёндашишга ундайди. Мириқиб ўқилган китоб мияни озиқлантиради, инсоннинг шахс сифатида шаклланиши ва ўзлигини топишга уринишга туртки беради.

Китоб ўқимайдиган киши ўзининг эмас, атрофдагилар фикри билан яшайди, айрим инсонлар кўрсатмасига асосан ҳаёти қандай ўтиб кетиб қолганини ҳам билмай қолади. Китобсевар инсон нафақат ўзини, балки атрофдагиларни ҳам тушунишга ҳаракат қилиб, шу билан бирга, ўз шахсий фикри ва позициясига эга бўлади, кимлардир хоҳлагани учун нотўғри деб билган ишларни бажармайди. Улар муаммолар ечимига бошқача ёндашди, тахмин ва субъектив қарашлардан кўра аниқ қилиниши керак бўлган режалар асосида вазиятга реал баҳо беради. Спенсер айтганидек, мутлоаа қутқарувчидир, бир инсоннинг қиймати эртга унинг ўқиган китоблари билан ўлчанади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
36811 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов
Мусаххаж: Насиб Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 23:42 Топширилди — 00:20